


Ферузбек ЗИЁДУЛЛАЕВ

ЗОҲИР



1800 йил бошлари, Афғонистон.

Нуристон тоғи этакларини қалин қор қоплаган, қиш доимгидек барвақт келгани сабаб хаво қаҳратон совуқ эди. Тоғ яқинидаги сой бўйида ҳам ғиштдан қурилган лойсувок пастқам уй деразасидан ғира-шира ёруғлик тушиб турар, атофдаги ўрмондан бўриларнинг увиллаши эшитиларди. Зоҳир деразадан ўрмон томонга боқди.

- Эртага овга чиқаман, – деди хотинига. – Бўри териси Қобулда анча қиммат тураркан.
- Аллоҳ кўлласин! – дуо қилди Шукрона. – Овингиз юришса, буғу ҳам овлаб келинг. Ғўшт емаганимизгаям анча бўлди.

Зоҳир бош ирғади.

- Йўлларни қалин қор қоплагани учун порохни тежаб турибман, – деди пилта милтиғини артаркан. – Майли, эртага камон билан бўлса ҳам буғу овлайман.
- Шу овлоқ жойдан кетайлик, хоҷам, – деди Шукрона тўрт яшар ўғлига анор тутқазиб. – Қоронғу тушиши билан юрагимга ваҳима оралайди. Ўзимиздан эмас, ўғлимиздан хавотирдаман.
- Қаерга борамиз, хотин? Тирикчилигимиз овнинг орқасидан бўлса... Бу ерда қимматбаҳо мўйнали ҳайвонлар кўп.
- Лекин қандайдир кўрқинчли... – Шукрона деразадан ташқарига қаради. – Кеча тушимга раҳматли бувим кирдилар. Жуда ғамгин эдилар. Менга яқинлашиб, кўлимдан тутдилар. Бир сўз демай нур томонга бошлаб кетдилар. Ўғлимиз ҳам менга эргашди. Илоҳим яхшиликка бўлсин!
- Инша аллоҳ, яхшиликка. Сен ҳеч нарсадан кўрқма, ёнингда мен борман.
- Хўп бўлади, – жилмайди Шукрона.

Зоҳир иштаҳа билан анор еяётган ўғли Хусравга қараб жилмайди. Уни ёнига чақириб, тиззасига ўтиргизиб эркалатди. Кейин хотинига қаради.

- Алҳамдилллаҳ, шу фарзандни менга берди! Сизлар менинг ҳаётим. Ота-онамдан эрта айрилиб, меҳрга зор бўлиб ўсдим. Аллоҳга шукрки сендек завжа, Хусравдек ўғил насиб қилди.

Шукрона жилмайиб кўйди. Зоҳир деразадан қараб, ташқарида ёғаетган қорни томоша қилди. Ёнида жавдираб турган ўғлининг юзидан ўпиб, йўлбарс терисидан тикилган кўрпачага чўзилди.

Эрта тонгда Зоҳир пилта милтиғини олиб ўрмонга жўнади. Ерни қалин қор қоплагани учун тиззасигача қорга ботиб кетди. Эғнидаги йўлбарс терисидан хотини тиккан нимча совуқ ўтказмаса ҳам оёқлари музлай бошлади. Бир амаллаб ўрмонга етиб олгач,

дарахтни тешиб, этигидаги қорни қокди. Дарахтлар пана қилгани сабаб, ўрмон ичида қор сийрак эди. Зоҳир “ғирч” – “ғирч” қилиб қорда юриб, бўрилар маконини излади.

Ўрмоннинг шимолий қисмидаги катта тепаликда оппоқ қор қип-қизил қонга бўялганди. Бу бўрилар бўғизлаган буғунинг қони эди. Зоҳир милтиғига пороҳ солиб, атрофга аланглади. Шу пайт тепалик ортидан баҳайбат қора бўри югуриб чиқди. Ўткир тишларини кўрсатиб, ириллаганча Зоҳирга ташланди. Овчи тепкини босди. Тўппончадан чиққан товуш бутун ўрмонга ёйилди. Қарағай устидаги қарғалар шовқиндан кўрқиб тўрт томонга қағиллаб учиб кетди.

Кўрғошин ўқ қорнини тешиб ўтган бўри оппоқ қор устида ётарди. Милтиғининг учидан тутун чиқиб турган овчи хансираганича унга қараб турди. Зоҳир мерган овчи. Доим бир мартада аниқ мўлжалга теккизади. Шунинг учун кўп ўлжа билан уйига қайтади. Ҳозир ҳам даҳшатли йиртқични бир ўқ билан тинчитди. Аммо кутилмаган хавф юзага келди. Бўрининг шериги бор экан. Қаёқдандир кулранг тукли, кўзи қонга тўлган катта бўри пайдо бўлди. Зоҳир шошиб қолди. Аммо кўрқмади. Чунки у нафақат овчи, довюрак жангчи ҳам эди. Афғон лашкарлари сафида Британияга қарши жанга кирганида, инглиз босқинчиларининг юзлаб ўқларига чап бера олганди. Бундай хавф-хатар унга бегона эмас.

Пилта милтиқни ўқлашга кеч эди. Шу сабаб овчи бўри билан яккама якка жанг қилишга қарор қилди. Зоҳир Фарғонада ясалган ўткир ханжарини чиқарди. Кўзлари қонга тўлган бўри ириллаб унга ташланди. Овчи дарҳол чап бериб, йиртқичнинг бўйнига ханжар санчди. Буни шу қадар тез бажардики, хатто дунёдаги энг чакқон йиртқичлардан бири ҳам унинг олдида ожиз қолганди. Зоҳир енгил тин олиб, ўзини қорга ташлади. Бир неча дақиқа осмонга қараб ётди. Кейин ўрнидан туриб, ўлжаларини саранжомлади.

Қуёш чиқиб, қор бироз эригач, Шукрона ташқарига чиқди. Икки кундан буён уйда ўтириб зериккан Хусрав, ўзи доим томоша қиладиган ўрмон яқинидаги тулкилар инига қараб югурди.

- Ҳой, тўхта! – бақирди Шукрона. – Қаерга кетаяпсан?
- Она, тулкиларни томоша қилсам майлими? – кўзларини пирпиратди болакай.
- Майли, фақат узоққа кетиб қолма.
- Хўп.

Болакай югуриб кетди. Бироздан сўнг Шукрона сой яқинидаги харсанг устида кирларини юваётган маҳал олдига ўғли югуриб келди. Хусрав хансираганича онасига қаради. Кўзлари кўркувга тўла, аъзойи бадани титраётганди.

- Нима бўлди, ўғлим? – хайрон бўлди она.

– О-она... – тутилди болакай. – Ўрмон яқинида қора либос кийган бир амакини кўрдим. Юзи жудаям кўрқинчли экан. Мени кўриб, олдига чақирди. Мен эса қочиб кетдим. У орқамдан қувиб келаяпти, она.

Хусрав онасини кучоқлаб олди. Шукрона ўғлининг гапидан ваҳимага тушган бўлса ҳам уни овутишга уринди.

– Кўрқма, болам. Ўша амаки балки дадангнинг дўстидир.

Аёл кўрқув билан атрофга аланглади. Ўрмон томондан югуриб келаятган қора либосли кимсани кўриб, даҳшатга тушди. Бу кимса ёлланма қотилга ўхшарди. Шукрона ўғлини кўтариб, уйга қараб югурди. Уйга кириб эшикни қулфлаб олди. Қора либосли эркак бир тепиб эшикни очди. Унинг бадбашара юзини кўриб, аёл сесканиб кетди. Юзида чандиғи бор, сочи кал бу эркак форс тилида алланималарни шивирлаб, ўткир тиғли қиличини чиқарди. Шукрона бир қўли билан маҳкам ўғлини кучоқлаб, иккинчи қўли билан орқасидаги сандиқни пайпаслади. У ерда эрининг тўппончаси бор эди. Қотил аёлнинг хатти-ҳаракатини сезиб, дарров унга яқинлашди-да бўйнидан бўғиб олди. Шукрона хириллаб унинг қўлига ёпишди. Аммо қотилнинг қўли тошдан ҳам қаттиқ эди.

– Аҳмоқлик қилма! – хиринглади форс тилида.

Аёл унинг белидаги пичоғини кўриб, дарҳол уни суғуриб олди. Аммо бу оддий пичоқ билан танаси тошдек қаттиқ қотилни ўлдиришнинг имкони йўқ эди. Сўнгги лахзаларда шуни англаган Шукрона қотилга сездирмасдан пичоқни енгининг орасига солди. Қотил бўйнидан қаттиқ бўғаетгани учун нафаси бўғила бошлади. Хусрав эса чинқираб йиғларди.

Иккита бўри ва иккита буғуни овлаган Зоҳир хурсанд ҳолда уйига қайтди. Кеч бўлганида очик турган эшигини кўриб, хайрон бўлди.

– Шукрона, Хусрав? – чақирди уйига яқинлашаркан. – Ҳой бу ёққа чиқсангиз-чи! Бугун роса овим бароридан келди!

Зоҳир жилмайганича эшикдан ичкарига кирди. Сандиқ ёнида жонсиз ётган хотини ва ўғлини кўриб, даҳшатдан қотиб қолди.

– Шукрона...

Югуриб бориб, хотини билан ўғлини кучоқлади. Иккаласининг танаси жонсиз, бўйнида қотилнинг қизғиш бармоқ излари қолганди. Зоҳир қон ютиб йиғлади.

– Ё Роббим! Гуноҳим не эди? – ўқирди. – Аввал ота-онам, энди оиламни мендан тортиб олдинг!

Зоҳирнинг фарёди бутун Нуристон узра эшитилди.

– Ким? – бақирди овчи. – Қайси қотил бу жирканч ишни қилди?

Зоҳир ҳамма нарсани ҳар томонга улоқтирди. Телбанамо бўлиб бақирарди. Шу лаҳзада ўша қотилни бурдалаб ташлагиси келди. Юрагидаги айрилиқ хасрати билан қасос ҳисси уни қарахт қилиб қўйди. Рафиқаси ва умри эрта хазон бўлган мурғак фарзандининг жасадини кучоқлаб узоқ вақт йиғлади. Уларнинг ёнида қанча ётди, билмайди, ўзига келганида тонг ёришганди. Зоҳир жасадларни аравага солиб, Қобул сари йўлга тушди. Қорда оёқ яланг аравани тортиб кетаркан, кўзлари қонга тўлиб, юрагида қасос ўти ёнарди...

1800 йил бошлари, Бухоро Амирлиги.

Амирга қарши исёнчи беклар Шаҳрисабздаги Хўжабекнинг ёзги саройида тўпланишди. Эндигина тахтга ўтирган амир Насруллонинг энг катта душмани Хива ёки Қўқон хонлари эмас, мана шу исёнчи беклар эди. Улар амирга қарши махфий гуруҳ тузишди. Хўжабекнинг уйида амирнинг асосий таянчи Кармана бекидан бошқа деярли барча бекликлар вакиллари йиғилишди.

- Халқ ички урушлардан чарчади, Хўжабек, – деди Хўжандлик Саидмурод. У Хўжанддаги энг бой кишилардан бири бўлиб, исёнчиларни молиявий қўллаб турарди. Хўжабекнинг ҳарбий ва сиёсий маслаҳатчиси эди.
- Нима демоқчисиз? – исёнчилар раҳбари бойга қовоғини уйди.
- Барибир амирга бас келишимиз мушкул. Шу сабаб сиёсий ўйин қилишга тўғри келади.
- Қандай сиёсий ўйин?
- Амирни тахтдан ағдариш керак!
- Биз айнан шунинг учун ҳаракат қилмаётимизми, Саидмуродбой?
- Биз ўз мустақиллигимиз учун курашмоқдамиз. Амирга бўйсуншни истамас эканмиз, уни тахтдан қулатиб, ўзимизга хайрихоҳ кишини ўрнига қўйишимиз керак.
- Бирорта кўзлаганингиз борми?
- Албатта. Манғит қавмидан чиққан шаҳзода Дурбекни тавсия қиламан. Тахтга ўтирса, барча шартларимизни бажаришга тайёр.

Хўжабек бир-бирига шивирлаб, бош ирғаётган бекларга қаради.

- Таклифингиз ҳаммага маъқул бўлган кўринади. Аммо амирни тахтдан қулатиш деҳқоннинг ҳосилини тортиб олишдек осон иш эмаски биз буни бажара олсак.

Саидмурод бекнинг кинояли гапини дарров тушунди.

- Менда бир режа бор, – деди тиржайиб. – Одатда дехқоннинг ҳосилини ўз қўлимиз билан тортиб олмаймиз, унинг олдига аввал солиқчиларни юборамиз. Айнан улар орқали бу ишни амалга оширамиз.
- Бу гапингиз билан амирни ёлланма қотиллар орқали ўлдиришни айтаяпсизми?
- Худди шундай, Хазратим.
- Лекин олдида милтиқли жангчилари билан Раҳмонберди Ниёздек айёр маслаҳатчиси бор буюк амирни қайси ёлланма қотил ўлдиришга жазм эта оларди?
- Ҳозир айтганимдек мен режа тузиб қўйганман. “Ажал фаришталари” ни эшитганмисиз?
- Форс ёлланма қотиллар ташкилотими?
- Худди шундай. Бу қотилларнинг юзини ҳеч ким кўрмаган, улар ўзидан из қолдирмайди, сиз айтган милтиқ ўқидан ҳам тезроқ ҳаракатланади, энг муҳими кучли ва енгилмас жангчилар. Шу пайтгача улар ўз вазифаси бекам-у кўст бажариб келган.
- Ҳа, мен ҳам уларнинг таърифини эшитганман. Яхши, аммо бу жудаям қалтис режа. Агар амалга ошмай қолса, ҳаммамизнинг бошимиз кетади! Лекин “чумчуқдан кўрққан тарик экмайди!” деганларидек...

Хўжабек гапини тугатмасдан бош ирғади. Саидмурод тиржайиб унга таъзим қилди.

Раис Раҳмонберди Ниёз Амир хузурига борди. Унинг шошилинич ташрифи қандайдир хавф туғилганини англатади. Ўзини хотиржам тутишга уринса ҳам кўзларида қандайдир кўрқув аломатлари сезилди. У Амирга чуқур тавозе билан таъзим қилди.

- Хазрати Олийлари, ҳозиргина махфий хабар олдим. Унда айтилишича, Хўжабек сизга қарши фитна тайёрляпти.
- Нима? – амир дарғазаб бўлиб ўрнидан туриб кетди.
- Аммо уни айблаш учун далилимиз йўқ.
- Барибир у хоинни бошини оламан!
- Амирим, яқиндагина улар билан сулҳга эришгандик. Агар ҳозир ортиқча ҳаракат қилсак, яна қонли урушлар бошланади. Халқ ички низолардан норози. Қишлоқларда ғалаёнлар бошланиш арафасида.

Амир бўшашиб ўрнига ўтирди.

- Ҳақсан, – деди секин. – Ҳозир шошма-шошарлик билан иш тутсак, ўзимизга қийин бўлади. Хўш, ўша хоин қандай фитнани бошламоқчи экан?
- Хўжабекнинг тарафдорларидан бири Қосимхўжанинг уйига хизматкор аёлни айғоқчи қилиб жўнатгандим. Кеча Қосимхўжа ширакайф ҳолда хотинига Амирга қарши суиқасд уюштирилаётганини айтиб қўйибди. Буни айғоқчим эшитиб, менга етказди.
- Суиқасд? – амирнинг танаси ғазабдан титради.

- Қосимхўжа “Ажал фаришталари” деган ташкилот ҳақида гапирибди. Аммо суиқасд бошида ким турганини айтмабди. Унинг Хўжабек билан ош-қатиқлигини ҳисобга олсак, бу ишнинг тепасида Шахрисабзлик ўша қайсар хоин тургани аниқ.
- Хоинлар! Ҳаммасини ўлдираман!
- Албатта, хазратим. Фақат қулай фурсатни кутишимиз керак.
- Унгача мени ўлдиришларига жим қараб турайки?
- Жим қараб турмаймиз, амирим. Сизнинг хавфсизлигингиз учун бошимни тикаман!
- Буни қачонга режалаштиришаётган экан?
- Афсуски бундан хабарим йўқ. Шу нарса аниқки улар ёллаган “Ажал фаришталари” ўта ваҳший ва уддабурон қотиллар. Уларга ҳеч ким бас кела олмайди. Қотиллардан сиёсий муҳолифларни йўқ қилишда фойдаланишаркан. Шу пайтгача юзлаб ҳукмдорлар-у амалдорлар уларнинг қурбонига айланган. Бу ташкилот беш юз йилдан бери фаолият юритади. Уларни на шахси, на қароргоҳи аниқланган. Яқинда афғон валиаҳд шахзодасини ўлдиришди.

Амир маслаҳатчисининг гапини эшитиб ваҳимага тушди. Чунки “Ажал фаришталари” ҳақида у ҳам кўп эшитганди. Хатто тахт учун курашда акалари Умар ва Хусайн ана шу қотиллар томонидан ўлдирилганини яхши билади.

- Улар акаларимни ҳам ўлдиришди. Аммо ҳамма айбни менинг бўйнимга илишди. Халқ кўз ўнгида мен тахт учун ўз акаларини ўлдирган шафқатсиз ҳукмдорман. Сен бу қотилларни тўхтатиб қола оласанми?

Раҳмонберди Ниёз ўйланиб қолди. Кейин тиз чўкди.

- Хавфсизлигингиз ўз жонимдан ҳам азиз, амирим!
- Тушунарли. Демак қўлингдан ҳеч нарса келмайди.
- Хазратим, эҳтимол бу қотилларнинг заиф томонини билмаганлар уларнинг қурбонига айлангандир. Аммо мен бўш келмайман. Уларга қарши энг кучли жангчиларни ёллаймиз. Мен бир мўғул жангчисини биламан. Чингизхон наслидан. Девдек бақувват. Ҳар қандай қотилни енгишига ишончим комил.

Амир раисга қаради. Шу пайтгача ёнида туриб, керакли маслаҳатлари берган, уни доим хавфдан асраб келган бу йигитга ихлоси баланд эди. Бу сафар ҳам унга ишонди.

- Сен айтгандай бўлади. Қулай фурсатни кутамиз, маслаҳатчи Раҳмонберди. Ё тарихда ҳеч ким қилолмаган ишни, яни ўша машҳур қотилларни йўқ қиламиз, ёки бошқа ҳукмдорлар каби уларнинг қўлида ўлиб кетамиз!

Ярим тунда Бухородаги йирик амалдор, амир вазирларидан бўлмиш Қосимхўжага мактуб келди. Мактубни ўқиган вазир шошиб қолди.

- Демак бугун тунда, – шивирлади атрофга аланглаб.

Қосимхўжа ўзларининг энг яқин иттифоқчиларидан бири, Бухоро миршаббошиси, Робиддиннинг олдига борди. Робиддин исёнчи бекларнинг раҳнамоси Шаҳрисабз ҳокими Искандар Валломанинг жияни эди. Искандар амир Насруллога қарши очикдан очик душманлик қилмаса-да Хўжабекка ўхшаганлар ёрдамида фитналар уюштирарди.

- Бугун бургутнинг қанотлари кесилади, Робиддин, – аста шивирлади Қосимхўжа. – Сенинг вазифанг имкон борича миршабларни узоқроқда ушлаб туриш. Қолганини...
- Ажал фаришталари амаллайди!
- Ҳой секинроқ! – Қосимхўжа Робиддиннинг оғзига кўлини босди. – Биров эшитиб қолса, калламиз кетади!

Робиддин унинг кўлини силтаб ташлади. Қосимхўжадек кўрқоқнинг қандай қилиб девонда муҳим лавозимда ишлаётганига баъзан хайрон қолади.

- Ҳаммаси сиз айтгандек бўлади! – деди жаҳл билан.

Хўжабек ва бошқа фитначилар аввал амирнинг содиқ хизматчилари – Кармана беки Султонхон Тўра ҳамда Бухоро шайх-ул исломи Ҳасанхон хожини ўлдиришни режалаштирганди.

Қора тулпор минган етти нафар жангчи Султонхон Тўранинг ёзги қароргоҳига етиб келди. Уларнинг йўлбошчиси отдан тушиб атрофга қаради. Боши кал, юзида чандиғи бор бу қотилнинг кўзидан унинг ажал элчиси экани билиниб турарди. У бекнинг ҳашаматли саройига термилди.

- Ичкарида қанча соқчи бор? – форс тилида сўради ёнидаги укасидан.
- Тахминан ўн бешта, – гўлдиради совуқликда акасидан ҳам қолишмайдиган қотил. – Ташқаридаги саккизта соқчи муаммо эмас.
- У ерга ўзим бораман.
- Лекин...
- Мени шу ерда кутинг!

Калбош қотил саройга қараб юрди. Саройнинг шарқий қисмига яқинлашганида иккита соқчи унга қаради. Аммо иккиси ҳам қимирлашга улгурмади. Бир сонияда қотилнинг захарли пичоқлари уларнинг бўйнига қадалди. Қотил деворга тирмашиб, бир неча дақиқада саройнинг томига чиқди. Қиличи яланғочлаб, қаршисидан чиққан иккита навкарни тинчитди. Шундан сўнг томдаги эшикдан саройнинг ичига кирди. Робиддин берган сарой харитаси ёрдамида бек ухлаб ётган хонани топди. Қотил сездирмасдан хонага кириб, бекни тинчитмоқчи эди. Аммо бунинг иложи бўлмади. Кутилмаган унинг қаршисидан бекнинг хос хизматкори чиқди. Қотил иккиланиб ўтирмай хизматкорга қилич санчди. Шовқиндан уйғониб кетган Султонхон Тўра ўрнидан туриб эшикка қаради. Хизматкорининг жонсиз танасини кўриб, дарҳол қиличини кўлига олди.

– Кел, ажал фариштаси! – бақирди.

Эшикдан қотилнинг совуққон сояси кўринди. Қиличини ялтиратиб тепага кўтарди-да, бекка ташланди. Иккиси бир неча дақиқа жанг қилди. Фаранг зобитларидан дарс олган Султонхон Тўрани енгиш мушкул эди. Аммо қотил ҳам бўш келмади. У шу қадар тезкор эдики, ҳаракатланаётганида бек уни кўрмай қоларди. Ниҳоят калбош чап бериб, Султонхоннинг елкасига қилич санчди. Оғриқдан бекнинг кўзлари қонга тўлди. Бор кучини тўплаб қотилга ташланмоқчи эди, аммо орқасига санчилган ўткир тиғдан бир неча сония жойида қотиб турди. Кейин юзтубан ерга йиқилди. Унинг ортида қотилнинг укаси турарди. Ака-ука қотиллар шарпадек сездирмасдан саройни тарк этди.

Шайх ул ислом Хасанхон хожи бомдодни ўқиб бўлгач, хизматкорини чақирди. Ундан садо чиқмади. Хожининг аччиғи чиқиб, ўрнидан турди.

– Қаерга йўқолди? – деб минғирлаб ташқарига чиқди.

Уни кўрган хизматкор олдига югуриб келди.

– Авф этинг, хоҷам, – кўл қовуштирди хизматкор. – Чақирганингизни эшитмай қолибман.

– Сен жўрттага шундай қиласан, – минғирлади хожи ва рўпарадаги чорпояга қараб юрди.

Хизматкор тез-тез юриб, хўжайинидан олдин чорпояга борди-да, кўрпача ва ёстикларни тўғирлади. – Марҳамат қилсинлар, тақсир, – деб ортига бурилди-ю у ерда шайх ул ислом йўқлигини кўриб, хайрон бўлди.

– Хазрат? – чақирди.

Хасанхон хожи жавоб бермагач, хизматкор уни излашга тушди. Ҳовлини айланиб, бир неча марта хўжайинини чақирди. Тут дарахти остига келганида хожининг қимматбаҳо ковуши “тап” этиб олдига тушди. Хизматкор тепага қаради-ю даҳшатдан бақириб юборди. Тутнинг қалин танасида шайх ул ислом Хасанхон хожи бўйнидан осиб кўйилганди.

Минораи Калонга қараб ўйчан ҳаёл суриб қолган амир Насруллохоннинг вужуди ғазаб ўтида ёнарди. Унинг энг содиқ хизматчиларини бир кечада ўлдириб кетишди. Амир ўзини икки қанотидан айрилиб учолмай қолган бургутдек ҳис қилди.

– Бургутнинг қанотлари кесилди. Энди навбат унинг бошига, – шивирлади ўзига ўзи.

– Нима? – ёнида турган Раҳмонберди Ниёз хайрон бўлиб амирга қаради.

Насруллохон ёрдамчисига юзланди.

– Раис, ўзингни эҳтиёт қил!

– Хўп бўлади, амирим!

Зарафшон дарёси бўйида қотиллар билан учрашган Саидмурод уларга ваъда қилинган мукофот – бир сандиқ тиллани берди.

– Ишни қойил қилдингиз, – деб тиржайди. – Агар асосий буюртмани бажарсангиз, мукофот бундан ҳам кўпроқ бўлади, Инша аллох!

Калбош қотил жиддийлик билан унга қаради.

– Хўжайинимиз сизлар билан ҳамкорлик қилаётганидан хурсанд, – деди йўғон овозда. – Асосий буюртмангиз ҳам бажарилади, албатта.

– Хўжайинингизга миннатдорчилигимизни етказиб қўйинг. У киши билан ҳам шахсан кўришиб, танишиб олсак ёмон бўлмасди.

– Бу танишув сизга қимматга тушади, жаноб савдогар. Зеро раҳбаримизни кўрган тирик жон борки, узок яшамайди.

Саидмурод кўркқанидан бир қалқиб тушди.

– Ҳ-ҳа, тушундим, – деди овози титраб. – Мен шунчаки агар у киши Хўжандга борсалар, бизникида меҳмон бўлсинлар демоқчи эдим. Айтганча бургутнинг бошини қачон олмоқчисизлар?

– Бу сизнинг ихтиёрингизга боғлиқ, – елкасига қиличини қўйди қотил.

– Жуда соз. Аммо амирни ўлдириш Султонхон ва шайх ул исломни ўлдиришдек осон эмас. Шу сабаб аввал пухта режа тузиш керак.

– Биз режа тuzмаймиз. Ҳақимизни тўласангиз, ўша куниёқ амирни йўқ қиламиз.

– Барибир бу иш жудаям қалтис. Амирни саройда ўлдириш мушкул. Бир ҳафтадан кейин амир овга чиқади. Ўша кун унинг сўнгги куни бўлиши керак!

– Тушунарли.

Ов кунда амирга йигирмата қиличбоз, элликта найзали, етмишта милтиқли – жами 140 нафар сарбоз ҳамроҳлик қилди. Бежирим безаклар билан безатилган оқ тулпорда Амир Насрулло виқор билан юриб келарди. Тўқайзорга етиб келгач, аввал амир сўнгра сарбозлар отдан тушди. Амир бир неча чақирим узокдан улар томонга келаётган икки кишни кўрди. Бу раис Раҳмонберди ҳамда барваста мўғул жангчиси эди. Улар амир олдига келиб таъзим қилди.

– Ҳазратим, бу мўғул жангчиси Тимухан, – ёнидаги одамни таништирди раис. – У Шарқий Туркистон ва Катта жуз Қозоқ хонлигидаги энг кучли жангчи.

Амир Насрулло девдек хайбатли, икки чаккасига узун кокил қўйган, қисик кўзли жангчига қаради. Кутилмаганда қиличини қинидан чиқариб, мўғулга ташланди. Тимухан қўлидаги болтаси билан унинг зарбасини қайтарди.

– Яхши, – деди амир. – Чиндан ҳам кучли жангчига ўхшайди.

– У доим ёнингизда юради, хојам.

Амир Насрулло индамай олдинга қараб юрди. Шу пайт тўқайзордан чиройли оху югуриб чиқди. Бу араб оҳуси шундай гўзал эдики одатдаги жайронларга ўхшамасди. Амир унга маҳлиё бўлиб қараб қолди. Оху ўрмон ичига қараб қочди.

– Тезроқ, орқасидан югуринг! – буюрди амир. – Фақат тириклайин тутинглар!

Бир нечта милтиқли сарбоз оҳунинг ортидан югурди. Бироз саросималаниб турган амир отига миниб, уларнинг ортидан жўнади. Тимухан дарров амирга эргашди. Раҳмонберди Ниёз ҳаёл суриб қолди.

“Бу ерларда араб оҳуси бўлмайди,” – ўйлади. “Бу ерда бир гап бор!”

Ўрмон ичига кирган амир ва унинг соқчилари оҳунинг орқасидан қувди. Оху жуда тез югурарди. Насруллохон унга етиб олиш учун бор кучи билан отини қамчилади. Оҳунинг изига тушиб, амир ва Тимухан сарбозлардан узоқлашиб кетди. Фақат тўрт нафар қиличбозгина уларга етиб олди. Оху катта дарахтнинг олдига келиб тўхтади. Уни таъқиб қилиб келган Насруллохон ва соқчилари ҳам тўхтаб, отдан тушди. Шу пайт дарахт тепасидан ниқобланган қора либосли қотиллар тушиб келди. Бу сафар улар ўн беш нафар эди. Амир ажалга тик қарашга ўрганган, анча довурак эди. Олтин қинли шамширини чиқарди. Тимухан эса дархол амирнинг олдига ўтиб, болтасини ўйнатди.

Қалбош қотил ва шериклари биринчи бўлиб хужумга ўтди. Амирнинг тўрт нафар хос соқчисини қотиллар бир зумда ерга қулатди. Фақат Тимухан уларга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Тўрт нафар қотил унга ташланди. Мўғул болтаси билан уларнинг зарбасини қайтарди. Қотиллар ҳарчанд тезкор бўлмасин Тимухан уларнинг хужумига дош бериб турди. Унинг танасига бир неча бор қилич санчилди. Аммо зирҳли совути жангчини ҳимоя қилиб турарди. Қалбош қотилнинг укаси Арак Тимуханнинг оёғига қилич билан зарба берди. Ўткир тиғ оёқларини кесиб юборган жангчи ерга ўтириб қолди. Кейин қотиллар бирин-кетин унинг бўйин қисмига зарба берди. Мўғул жангчи ерга қулаб жон берди.

Бу орада Амир ҳам қотиллар билан жанг қилди. Чапдаст жангчилар ҳар томондан унга ташланди. Улардан биттаси Насруллохоннинг елкасини тилиб юборди. Амир жон аччиғида ерга чўккалаб қолди. Қотиллар етакчиси қиличинини ўйнатиб унга ташланмоқчи бўлиб турган пайтда ўқ овози эшитилди. Дарахт шоҳларига бир нечта кўрғошин ўқ келиб тегди.

– Ака, бизни ҳар томондан қуршаб олмасларидан тезроқ бу ердан кетишимиз керак, – деди Арак узоқдан югуриб келаётган амир сарбозларига қараб.

Қалбош чекинишга буйруқ берди. Қотиллар бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Сарбозлар билан етиб келган раис амирнинг олдига югуриб борди.

- Ҳазрати олийлари! Аҳволингиз яхшими? – сўради хавотир билан.
- Бундан баттари бўлмайди, раис! – ингради амир. – Тимухан мени ҳимоя қила олмади-ю аммо сизлар келгунча қотилларни чалғитиб турди.
- Аллоҳ раҳматига олсин! – Раҳмонберди омин қилди. – Тезроқ амир ҳазратларига ёрдам кўрсатинглар!

Туғилган кунида турли давлатлар ҳукмдорлари юборган қимматбаҳо совға-саломлар ҳам Амир Насруллоҳонга татимади. Ҳиндистондаги инглизларнинг Ост-Индия савдо компанияси ноиб юборган тўппончага хомуш термилганича тахтида ўтирарди. Қаршисида жимгина қўл қовуштириб ўтирган раис Раҳмонберди Ниёзга қаради.

- Милтиқли соқчиларни кўпайтирдингми? – сўради.
- Ҳа, аъло ҳазратлари. Савдогар Носир хожи Афғонистондан тезотар милтиқлар олиб келишга ваъда берди.

Амир ғазаб билан тўппончани отиб юборди. Унинг қўллари титраётганди. Ўрмондаги суиқасддан сўнг бутунлай халоватини йўқотганди. Қотилларнинг қандай моҳирона ҳаракат қилишини ўз кўзи билан кўрмаганида бунчалик кўрқувга тушмасди. Ўзининг довюраклиги билан халқ орасида “Баҳодир амир” номи билан машҳур бўлган Бухоронинг буюк ҳукмдори қотиллар саройга келишидан хафвсираб, хос хонасида ҳам қилич билан ухлайдиган бўлиб қолди.

Афғонистон.

Уч ойдан буён қасос ўтида ёнаётган Зоҳир ҳар куни дўсти Аҳмаднинг қуролсозлик устахонаси ёнидаги майхонада шароб ичиб кун ўтказарди. Хотинининг ёнидан чиққан дастасига тилларанг нақш чизилган пичоққа термилди.

- Ўша қотилни топиб, танасини тилка-пора қиламан! – Зоҳир зарб билан пичоқни хонтахтага урди.

Шу пайт унинг олдида дўсти Аҳмад келди.

- Қуролсоз дўстларимдан суриштирдим, – деди. – Пичоқ Дамашқда ясалган экан.

Зоҳир бироз ўйланиб дўстига қаради.

- Фарғоналикларники деб ўйлагандим, – деди пичоққа қараб.
- Аслида Фарғонада ҳам шундай пичоқлар ясалади. Дамашқликлар ҳам улардан ўрганган. Аммо Дамашқ пичоқларининг кўриниши бошқача, улар озгина ингичка ва узунроқ бўлади. Фарғона пичоғи эса қалин ва калтароқ, Дамашқ пичоғига нисбатан мустаҳкам бўлади.
- Тушунарли.

- Дамашқ пичоқларини биз афғонларда камдан кам инсон ишлатиши мумкин. Бизда асосан Фарғона ва Бадахшон қурол-яроқлари келтирилади. Шундан хулоса чиқариб айтишим мумкинки қотиллар афғон ёки туркий эмас.
- Буни ўзим ҳам яхши биламан. Чунки биз афғон ва кўшни туркийлар ҳеч қачон ожиз аёллар ва болаларни ўлдирмаймиз!
- Тўғри, бироқ бундай разил кимсалар ҳар бир элатда учраши мумкин.

Зоҳир пешонасига кўлини кўйиб, ерга қаради.

- Дамашқ пичоғидан қайси қавмлар фойдаланади? – сўради.
- Бу пичоқ ҳамма жойда кенг тарқалган. Ундан асосан форс ва араблар кўпроқ фойдаланади.
- Мени бир нарса ўйлантириб кўйди, – деди Зоҳир дўстига қараб. – Пичоқнинг сопидаги нақшлар худди ёзувга ўхшайди. Сен ханжар ва қиличлар ясаганингда шунга ўхшаш нақшли ёзувлардан фойдаласанми?
- Ҳа, биз тиғли қуроллар сопига буюртмачининг истагига кўра ёки ўз хоҳишимиз билан ҳам ёзув ёзамиз. Биз фойдаланадиган насталиқ хати ҳам шу нақшларга ўхшаб кетади. Аммо бу ёзувни ўқий олмадим.
- Менимча унда қотилнинг исми ёзилган бўлса керак.

Зоҳир ўрнидан турди.

- Мен Ҳиротга бораман, – деди. – У ерда Низом исмли бир олим бор. Бу ёзувни ўша одам ўқий олади.
- Ҳиротга бора олмайсан! – кескин қаршилиқ қилди Аҳмад. – У ер ҳозир форслар қўл остида. Улар афғон зобити эканлигини билиб қолса, сени ўлдиришади!
- Мен энди афғон зобити эмасман!

Зоҳир майхонани тарк этди. Отига миниб, Ҳирот сари йўл олди. Шаҳарга кириб келганида қоронғу тушиб қолганди. Икки нафар форс миршаби унинг йўлини тўсди.

- Тўхта! Кимсан? Қаердан келаяпсан? – саволга тутди миршаблар.
- Мен Қандаҳордан келаяпман. Исшим Зоҳир.
- Гувоҳноманг борми?
- Мен пуштунман. Биз тоғли халқлар саводсизмиз.
- Шаҳарга нега келдинг? Балки афғон айғоқчисидирсан?
- Овчиман. Ҳиротга ноёб мўйналардан келтиргандим.

Зоҳир тўрвасидан сувсар ва қизил тулки мўйнасини чиқарди. Миршаблардан бири унга тикилиб турди-да, “кетавер” дегандек бош ирғади. Овчи енгил нафас олиб, йўлида давом этди. Форслар Қандаҳорни қамал қилганида Зоҳир афғон амирининг лашкарбошиларидан бири эди. Ўшанда қўл остидаги жангчилари билан форс кўшинига қақшатқич зарба берганди. Форслар асирга олган афғон амирининг жияни шахзода Баҳлулни тутқунликдан халос қилгани учун, шахзода унга ўз қизи

Шукронани берганди. Шундан сўнг Зоҳир таҳликали ҳаётидан воз кечди. Чунки Афғонистон ташқи сиёсати ўта мураккаб эди. Британия, Эрон ва Бухоро амирлиги билан тинимсиз урушлар олиб бориши оқибатида Зоҳирга ўхшаган кўплаб ҳарбийлар ҳалок бўларди. Жонини хатарга қўйишдан эмас, фарзанди отасиз қолишидан хавотирланган Зоҳир ҳарбий саркардалиқдан бўшаб, оиласи билан Нуристон тоғларига жўнади. У ерда овчилик қилиб, тинчгина яшамоқчи эди. Аммо...

Зоҳир уста Низомнинг уйини топиб борди. Эшикни устанинг келини очди. Овчининг салобатидан кўрқиб кетган келинчак, эшикни ёпиб қўйди.

- Қайнотам йўқ! – деди балан овозда эшик орқасидан туриб. – Анча йил аввал кўчиб кетган.
- Қаерга кетган?
- Бухорога! У ерда қизлари яшайди. Куёви вафот этган. Қайнотам ўша ерда ишлаб, набираларини катта қилаяпти. Ҳунармандлар маҳалласига борсангиз, у кишини топасиз. Энди эса тезроқ кетсангиз, эрим уйда йўқ эди...

Зоҳир отига миниб, Бухорога йўл олди. Амирлик пойтахти Афғонистон шаҳарларига ўхшамасди. Катта гумбазли миноралар, масжид-у мадрасалар, саройлар, тимлар, бозорлар қад ростлаганди. Шаҳарнинг работ (ташқи шаҳар) қисмидаги катта бозорда Ипак йўли савдогарлари турли хил молларни айирбошларди. Зоҳир мўйналарини саккиз тилла тангага сотди.

“Қобулдан кўра бу ерда мўйналар қиммат экан” – ўйлади ичида.

Ҳунармандлар маҳалласига бориб, наққош уста Низомни сўраб, унинг уйини топди. Уста Зоҳирни хурсандчилик билан кутиб олди. Кўринишидан ҳазилкаш, хушчақчақ Низом ватандошини кўрганидан ўзида йўқ хурсанд эди.

- Хуш келибсиз, меҳмон. Юртимиз тинчми? – сўради жилмайиб.
- Аллоҳга шукр, ота, – деди Зоҳир. – Мени танидингизми? Дўстингиз Абдулнинг ўғли Зоҳирман.

Низом ўйланиб турди-да кўзлари чакнаб кетди.

- Саркарда Зоҳир! Дўстим Абдулнинг ўғли! Омонмисан, ўғлим?

Иккиси кучоқлашиб, қайта кўришди. Зоҳир бошидан кечирганларини Низомга сўзлаб берди. Қариянинг кўзлари ёшланиб, афсус билан бош чайқади.

- Пичокни менга бер, – деди.

Зоҳир пичокни узатди. Уста унинг сопидаги тилларанг нақшли ёзувни ўқиди:

“Ажал фариштаси. Шопур.”

Овчи ўрнидан туриб кетди.

- Демак ўша итнинг исми Шопур! – деди ғазаб билан. – “Ажал фаришталари” эса қотиллар ташкилоти! Улар яқинда шахзодани ўлдиришди. Аммо менинг аёлим ва ўғлимни ўлдириш бу қотилларга нега керак бўлиб қолди?

Зоҳир ўйланиб қолди.

- Шошманг... шахзодамиз ўлдирилган куннинг эртасига Шукрона билан ўғлимни ўлдириб кетишди. Нурафшон тоғида қотиллар яширинча юрадиган йўл бор. Аёлим ва ўғлим уларни кўриб қолган. Ваҳоланки қотиллар юзини ҳеч ким кўриши мумкин эмас. Гувоҳ қолдирмаслик учун ўша итдан тарқаганлар менинг оиламни йўқ қилди. Энди мен уларни йўқ қиламан, Низом ота!
- Бунга имконинг бор. Тақдирнинг ўзи сени бу ерга бошлаб келибди, ўғлим.

Зоҳир хайрон бўлиб устага қаради.

- Тушунмадим?

Низом ўрнидан туриб, эшикни ёпди. Кейин секин Зоҳирнинг олдига ўтирди.

- Қотиллар ҳозир Бухорода бўлиши мумкин, – шивирлади.
- Ростданми? – Зоҳирнинг кўзлари чакнади.

Қария бош силкиди.

- Яқинда амирнинг икки нафар содиқ одамани “Ажал фаришталари” ўлдириб кетди. Овга чиққанида эса ўзига суиқасд уюштирилди. Аммо милтиқли соқчилар амирни асраб қолди. Ҳозир Бухорода вазият қалтис. Ҳамма жойда назорат кучайтирилган.
- Тушунарли.
- Амир қотилларга қарши жуда кучли жангчиларни ёллади. Бироқ қотиллар гуруҳи бу жангчиларни осонгина йўқ қиляпти. Яқин кунларда саройда тўс-тўполон бўлса ҳам ажаб эмас.
- Тўғри. Агар қотиллар саройга кирса, Амир Насруллоҳонга унинг милтиқли лашкари ҳам ёрдам бера олмайди. Мен саройга бораман.
- Нима?
- Амир хизматига кириб, қотилларни йўқ қиламан.
- Сени у ерга киритишмайди.
- Амирнинг маслаҳатчиси Раҳмонбердига ўзим ҳақимда барча ҳақиқатни айтаман.
- Сен бола ақлдан озибсан! Душман афғон зобитини Бухоро амири тирик қолдирмайди!
- Бир бошга бир ўлим! Қолаверса мен амирни ҳимоя қилмоқчиман. Эски адоватларимиз ўтмишда қолди.
- Йўқ, бўлмайди.

Зоҳир ўрнидан туриб эшикка қараб юрди.

- Яхши қолинг, Низом ота, – хайрлашди.
- Ҳой! - қария овчининг орқасидан хай-хайлаб қолди.

Ярим тунда қадам товушларидан уйғониб кетган Раҳмонберди секин қиличига қўл узатди. Ёлланма қотиллар бир кун ўзининг ҳам ёнига келишини биларди, шу сабаб доим сергак ухларди. Тиқ этган товушдан дарров уйғонарди. Бошининг тепасида қилич ўқталиб турган Зоҳирни кўриб, дахшатга тушди.

- Сизни ўлдиришга келмадим, раис! – деди Зоҳир.
- Сен кимсан?
- Собиқ афғон саркардаси Зоҳирман. Мени амир билан учраштиринг.

Энг хавфли ташқи душманларидан бири Афғонистон амирининг зобити унга хизмат қилмоқчилигини эшитган Амир Насруллоҳон аввалига таажжубга тушди. Кейин қотилларга қарши тура оладиган куч топилганидан кўнгли бироз ёришди. Қаршисида бош эгиб турган билаклари бақувват афғон саркардасига қараб жилмайди.

- Сиз чиндан ҳам фаранг (инглиз) кўшинларини мағлуб этган саркарда Зоҳирмисиз?
- Худди шундай, олампаноҳ, – Зоҳир амирга чуқур таъзим бажо келтирди.
- Раис ҳаммасини гапириб берди. Оилангиз учун, афсусдаман, саркарда. Мушкулимизни осон қилмоқни ният айлаб, бизни шод этдингиз. Агар мени ҳимоя қила олсангиз, сизга Бухорои Шарифдан ер-мулк ҳадя қиламан. Бундан ташқари салтанатимиздан сиёсий бошпана ҳам бераман.
- Миннатдорман, амирим!

Зоҳирга амир саройидан хона ажратиб беришди. Саркарда амир ва унинг оиласини қотиллардан ҳимоя қилишга киришди. Аввал бутун саройни айланиб чиқмоқчи бўлди. Узун йўлақдан юриб, жануб томонга бурилди. У ерда уч қаватли кичик сарой бор эди.

- Бу ер амир ҳарами, – деди Зоҳирга ҳамроҳлик қилаётган тўпчибоши Ҳумоюн.

Зоҳир бош силкиб йўлида давом этди. Саройдан ўтгандан сўнг тош ҳовуз, ундан кейин эса баланд айвон чиқди. Айвонда юзи парда билан ёпилган, эгнидан узун кўк шойи кўйлак ва зар нимча кийган бир қиз уд чалиб ўтирарди. Бирдан шамол эсиб, қизнинг юзидаги парда кўтарилди ва унинг чиройли оппоқ юзи кўринди. Зоҳир қизга термилиб, юраги алланечук бўлиб кетди. Қорамтир афғон қизлари, ҳатто хотини Шукрона ҳам бу қадар соҳибжамол эмас эди. Қиз унга анграйиб турган Зоҳирни кўриб, дарҳол юзини беркитди.

- Йўлда давом этганимиз маъқул, саркарда, – деди Ҳумоюн.
- Ҳ-ҳа, албатта, – Зоҳир ўзидан бироз хижолат тортди.
- Бу амиримизнинг синглиси малика Шаҳрибону, – аста шивирлади тўпчибоши. – Марҳум амир Хайдарнинг энг кенжа қизи.

Зоҳир малика томонга қараб қўйди. Қиз ҳам парда ортидан уни кузатиб турарди. Саркарда айвондан узоқлашди.

Эрон, Элбурс тоғлари, “Ажсал фаришталари” қароргоҳи.

Шопур ва унинг жангчилари ўнг тиззасини ерга теккизганича, бошини эгиб чўккалаб ўтирарди. Уларнинг қаршисида турган қотиллар ташкилоти раҳнамоси Ҳабиб икки бош бармоғини бир бирига урди. Одатда жаҳли чиққанида шу қилиғини қилади. Бошига қора салла, эгнига узун қора либос кийган бу қотил ҳатто юзига ҳам қора ниқоб тақиб олганди.

– Беш юз йил! – хириллади. – Ташкилотимиз беш асрдан буён ўз вазифасини бекам-у кўст бажараяпти. Бу ер менга аждодларимдан мерос қолган. Айнан менинг бошқарувим даврида ташкилотимизга бўлган ишонч пасайиб кетишига йўл қўймайман!

Ҳабиб Шопурга қаради.

– Амирни қўлдан чиқардинг! – деди. – Бундан ташқари пичоғингни ҳам йўқотиб, ташкилотимизни сотиб қўйдинг!
– Хожам, авф этинг! – деди Шопур секин. – Пичоқ йўқолган ҳудудда тўпори овчилар яшайди. Ундаги ёзувни ўқишга ўша саводсизларнинг ақли етмайди.
– Аҳмоқ! – қотиллар раҳбари калбошга бир мушт туширди.

Шопур озгина қимирлаб кетди, аммо мувозанатини йўқотмади.

– Сен пуштунларни билмайсан! Улар қасос олмасдан қўймайди.

Ҳабиб ғазаб билан бармоқларини қирсиллатди.

– Рухсат берсангиз, эртага тунда Бухоро амирининг жонини оламан, – деди Шопур.
– Бу сафар хато қилма!

Шопур бошини эгиб, раҳбарига таъзим қилди.

Бухоро амирлиги

Уйига хурсанд ҳолда кириб келган Зоҳирни кўриб, Низом унинг олдига югуриб борди.

– Сенга қойил қолмадим, лекин, – деб қовоғини уйди. – Ўзингни қандай хавфга ташлаётганингни билмаяпсан!
– Мен ўлиб бўлган одамман, ота. Ҳеч қандай хавф мен учун қўрқинчли эмас.
– Аллоҳ асрасин, бундай гапларни гапирма, болам!

- Майли, ота. Олдингизга бир илтимос билан келгандим. Шу ишда, яни қотилларни йўқ қилишда менга ёрдам бера олмайсизми?
- Нима? Ҳеч қачон! Ҳали жонимдан тўйганим йўқ. Набираларимни боқишим керак.
- Сизга ҳеч нарса қилмайди, ваъда бераман.
- Йўқ, ваъданг ҳам керакмас.

Низом қўл силтади. Зоҳир мийиғида кулиб, қўйнидан бир ҳалтача тилла тангани чиқарди.

- Катта набирангиз мадрасада ўқимоқчиман деганмиди? – деди атрофга қараб. – Амир ҳазратларининг ҳиммати чексиз.

Қария пулга мўлтираб турди-да, жаҳл билан қўл узатди.

- Майли, шу набираларим учун жонимдан кечсам, арзийди! – деб пулни қўйнига солиб қўйди.
- Набираларнингизга ўзингиз бош бўласиз, Инша аллоҳ.

Ярим тунда Низом саройга келди. Доим Аркнинг олдидан ўтганида у ерга киришни орзу қиларди. Орзуси ушалди аммо бу таҳлид амалга ошишини истамаганди. Қотиллар билан тўқнаш келишини ўйласа, юраги орқага тортиб кетади. Қўлига бирор марта ҳам қурол ушламаган. Улар билан қандай жанг қилади? Зоҳир қарияни уч қаватли амир қароргоҳига олиб борди.

- Қўрқманг, – деди кулиб.
- Қўрқмаяпман, – сир бой бермади қария. – Менга ўша жангчиларинг чикора.
- Яхши. Шу ерни айланиб юрасиз. Агар шубҳали ҳаракатни сезсангиз, “Гилам!” деб бақиринг.
- Гилам? Нега айнан гилам?
- Айтганимни қилинг. Бу махфий сўз. Шундай деб бақирсангиз, олдингизга етиб келаман.
- Бақираман...бақираман, агар улгура олсам, албатта.
- Ташвишланманг. Мана буни олиб қўйинг.

Зоҳир қарияга тўппонча узатди. Низом бирдан жонланиб, қуролни олди.

- Унда мен кетдим, – саркарда кулиб, қариядан узоқлашди.
- Яна озгина қолсанг бўларди... – Низом кўзларини мўлтиратиб, унинг ортидан қараб қолди.

Зоҳир амирнинг хос хонасига яқин айвон олдидаги тошга ўтириб осмонга термилди. Юлдузлар чарақлаб турган қоронғу осмонга қараб, марҳума аёли ва фарзанди билан ўтказган хотираларини ёдга олди. Ҳаво илиқ бўлган пайтларда ўғли Хусравни кўтариб,осмонга қараганча юлдузлар номини таништирарди. Рафиқаси Шукронанинг

гўзал табассумини бир зумга бўлса-да ёдидан чиқара олмади. Ҳозир ҳам аёли ўғлини кўтариб, осмондан унга табассум қилиб тургандек эди.

- Нима ҳақида ҳаёл сураяпсиз? – амирнинг жарангдор овозидан Зоҳир сергак тортди. Атрофга қараб, қаршисида турган Насруллоҳонга таъзим қилди.
- Оилам ҳақида.
- Тушунарли, – бош силкиди амир.
- Хазрати олийлари нега ухламаяптилар?
- Мени таъқиб қилаётган қотиллар бор экан, менда ҳаловат йўқ. Улар Қўқон ва Хива хукмдорларидан ҳам хавфлироқ.

Аркнинг шимолий қисмидаги махфий ер ости йўлидан йигирма нафар қора кийимли қотиллар кетиб борарди. Бу махфий йўл шайбонийлар сулоласи даврида қурилган бўлиб, уни хатто амир ҳам билмас эди. “Ажал фаришталари” бу йўлдан бир неча марта юриб, Бухоро хукмдорларини йўқ қилган. Йўл охирига етганида Шопур одамларни тўхтатди. “Қараб кўр” дегандек укасига ишора қилди. Арак эски эшикни очганида бир ғарам сомон устига тушди. Қотил устини қоқиб, эшикдан чиқди. У ёқ бу ёққа аланглаб, шерикларига ишора қилди. Қотиллар бирин-кетин ташқарига чиқди. Атрофни айланиб юрган ўн нафар милтиқли навқар ўтиб кетгунича сомонхонада пойлаб турди. Бу ер Аркнинг орқа томони бўлган учун назорат кучсиз эди. Қотиллар сомонхонадан чиқиб, марказий ўрдага қараб юрди.

Амир ҳарамини ёнидаги айвонда мук тушиб ўтирган Низом қадам товушларини эшитиб, сакраб ўрнидан турди.

- Ё Аллоҳ, ўзинг асра! – деди кўрқа-писа.

Тезлик билан айвон орқасига яшириди. Дарахтлар орасида шарпадек учиб юрган қотилларни кўриб, ранги оқариб кетди.

- Г-гилам! Гилам! – деб бор овози билан бақирди.

Низомнинг овозини эшитган Зоҳир қиличини яланғочлади.

- Нима бўлди? – сўради амир.
- Бу қотиллар келганидан ишора, хазратим!

Ўн нафар соқчи амирнинг атрофини ўраб олди.

- Қотиллар яқин атрофда бўлса, қолган соқчилар бу ерга келишга улгурмайди! – амир саросимага туша бошлади.
- Сизни ўзим ҳимоя қиламан, хазрати олийлари!

Шопур бақираётган қарияга ғазаб билан қаради.

- Бизни сезиб қолишди! – деди Арак.

- Ҳечқиси йўқ, улгурамиз, – Шопур олдинга қараб юрди.
- Чолни тинчитаман!

Калбош укасининг кўлидан ушлади.

- Кучингни беҳудага сарфлама!

Қотиллар яшин тезлигида амир турган жойга етиб келишди.

- Сизлар хазрати олийларини ҳимоя қилинг!

Зоҳир соқчиларга буйруқ бериб, ўзи қотилларга ташланди. Ўртада шиддатли жанг бошланди. Яшиндек тезкор қотиллар Зоҳирга кетма-кет зарба берди. Саркарда уларнинг хужумига чап берди. Шопур бошчилигидаги бир нечта жангчи уни четлаб ўтиб, амирга хужум қилди. Зоҳир яккама якка курашда устун келиб, қотиллардан бирини қорнига қилич санчди. Қотил ерга қулади. Бу беш юз йил ичида илк бор “Ажал фаришталари” дан бирининг ўлдирилиши эди. Шу пайтгача уларни биров ўлдириш у ёқда турсин, хатто яралай олмаганди.

Буни кўрган Аракнинг кўзлари қаҳрга тўлди. Шерикларига Зоҳирни қуршаб олишни буюрди. Қотиллар бир бўлиб, унга ташланди. Зоҳир эпчиллик қилиб, уларнинг елкаси узра сакраб, орқасидан ханжар санчди. Икки нафар қотил ерга қулади. Ғазабдан ўқирган Арак кўзи қонга тўлиб, хужумга ўтди. Зоҳир унинг зарбасини қайтариб, шамшири билан ўнг кўлига шу қадар кучли зарба бердики, бечора қотилнинг кўли узилиб тушди.

Бу орада амир ва унинг соқчилари билан жанг қилаётган Шопур укасининг ноласини эшитиб орқасига қаради. Зоҳир унинг кўз ўнгида укасининг кўксига қилич санчиб ўлдирди.

- Ука! – ғазабдан титраб кетди Шопур. – Бу итни ўлдиринг!

Ёнидаги қотиллар Зоҳирга хужум қилди. Шопур эса ҳар қандай вазиятда ҳам вазифани адо этиши зарур эди. У амирнинг соқчиларини саранжомлагач, Насруллохонга ташланди. Амир бор кучи билан ўзини ҳимоя қилди. Аммо кўзлари ғазабдан ёнаётган қотилнинг тўхтатиш имконсиз эди. Унинг кучли зарбасини қайтарган амир орқага йиқилиб кетди. Қотил қиличи баланд кўтарди. Бир нечта қотилни ўлдирган Зоҳир Шопур томонга югурди.

Бир чеккада дағ-дағ титраганича жангни кузатиб турган Низом амирнинг аҳволини кўриб, тўппончасини чиқарди. Аммо кўли қалтираб ерга тушириб юборди. Энди олмоқчи бўлиб эгилганида кимдир ундан чаққонлик қилиб тўппончани олди. Бу малика Шаҳрибону эди. Малика иккиланмай акасига хужум қилаётган қотилни нишонга олиб, ўқ узди. Елкасига қадалган ўқдан Шопур инграб, қиличини тушириб юборди. Зоҳир унга зарба бермоқчи бўлганида шериклари қотилни ҳимоя қилди. Улардан бақувватроғи Шопурни елкасига опичлаб, қочишга тушди. Қолганлар ҳам

унга эргашди. Зоҳир уларни таъқиб қилмоқчи бўлганида қотиллардан бири унга сарик кукун сепди. Саркарда кўзини ишқалаб, ерга ўтириб қолди. Ўзига келганида атрофда кўлида машъла кўтарган сарой соқчилари тўлиб кетганди.

Зоҳир кўзлари енги билан артиб ташлаб, соқчилар қуршовидаги амирнинг олдига борди.

- Сизга қойил қолдим, саркарда, – деди Насруллоҳон хансираб. – Чинакам жангчи экансиз!
- Авф этинг, хазрати олийлари! Сизни ҳимоя қила олмадим.
- Мен бунақа ҳолатга кўникиб кетганман. Барибир сизга раҳмат, саркарда.
- Низом отага ҳам раҳмат, – деди Зоҳир хануз олдида қалтираб турган қарияга жилмайиб.
- Аслида мен ҳеч нарса қилмадим. Фақат “гилам” дея бақира олдим холос. Хазрати олийларининг ҳаётини малика Шаҳрибону сақлаб қолди.

Амир Насруллоҳон табассум қилди. Зоҳир атрофга қаради.

- Малика шу ердаями? – шивирлади.
- Ҳа, айвонда сиз билан учрашмоқчи экан.
- Саройда қотиллар изғиб юрганида маликани ёлғиз ташлаб келдингизми?
- Мен нима ҳам қила олардим?

Зоҳир кўл силтаб, харам томонга югурди. Айвон олдида етиб келганида, у ерда хотиржам ўтирган маликани кўрди.

- Маликам, бу ерда ўтиришингиз хавфли, – деди Зоҳир атрофга қараб.
- Ёнимда сиздек баҳодир жангчи турганида кўрқишга не хожат?

Маликанинг ёқимли овози Зоҳирни эсанкиратиб қўйди.

- Мен... – чайналди.

Шаҳрибону паранжисини кўтарди. Унинг оппоқ юзи ой нурида янада мафтункор кўринарди. Зоҳир шошиб бошини эгди.

- Хазрати олийларини яхши кўриқлай олмадингиз, – жилмайди малика. – Шунинг учун ўзим боришга мажбур бўлдим.
- Авф этинг, маликам.
- Аммо жуда кучли жанг қиларкансиз. Бир сафар кечиришга арзийди.
- Миннатдорман, – Зоҳир кўз қири билан унинг чиройли юзига назар ташлади.
- Сиз ҳақингизда ҳаммасини биламан. Қотиллардан қасос олишингизда Аллоҳдан куч-қувват тилайман.

Малика ўрнидан турди. Паранжисини юзига ташлаб, сарой томонга юрди. Бирдан тўхтаб, Зоҳирга қаради.

- Буни олиб қолсам бўладими? – енгининг орасидан тўппончани чиқарди.
- Албатта, маликам.
- Менда ҳам бор Русиядан келтирилган. Бу фарангларникими?
- Худди шундай.
- Ўрус тўппончаларига нисбатан жуда тез отиларкан.
- Истасангиз энг оҳирги русумдагисини топиб бераман.
- Шарт эмас. Менга шу ёқди.
- Ҳарбий санъатни пухта эгаллаганга ўхшайсиз.
- Саройда яшаш осон эмас. Тўс-тўполонларни кўриб турибсиз, саркарда. Аллоҳ асрасин, душманлар бир кун олдимга келса, уд чалиб, шеър айтиб ўтира олмайманку!

Зоҳир кулиб юборди. Кейин бирдан оғзини қўли билан беркитди.

- Авф этинг, маликам, – деди секин.
- Тўппонча учун раҳмат.
- Рафиқам ҳам ундан яхши фойдаланарди, аммо...

Зоҳир хомуш тортди. Бир неча дақиқалик сукутдан сўнг малика йўлида давом этди. Саркарда секин унинг изидан эргашди. Шаҳрибону саройга кириб кетмагунича орқасидан қараб турди.

Эрон, Элбурс тоғлари, “Ажал фаришталари” қароргоҳи.

Қотиллар раҳнамози катта курсига ўтириб ўнг қўлини пешонасига қўйди. Унинг қаршисида ташкилотнинг барча аъзолари тиз чўкди. Ҳабиб бу сафар бош бармоқларини ўйнатмади. У қандайдир қўрқувга тушиб қолгандек эди.

- Сени нима қилсам экан? – деди Шопурга қараб. – Шу пайтгача ташкилотимизнинг бирорта аъзоси топшириқни бажараётганида хатто яраланмаган эди. Аммо кеча тунда саккиз нафар одамимиз ўлдирилди. Улар орасида Аракдек кучли жангчи ҳам бор. Уканг учун афсусдаман. Йўл қўйган қўпол хатоларинг учун ўлимга лойиқсан. Лекин шу пайтгача қилган хизматларингни инобатга олиб, сени жазоламайман.
- Миннатдорман, хоҷам.
- Фақат... – Ҳабиб кўрсатгич бармоғини тепага кўтарди. – Сени вақтинчалик ишдан четлатаман. Мен барча одамларим билан Бухорога бораман.

Шопур хайратланиб бошлиғига қаради. Ўта кучли жангчи бўлса ҳам, Ҳабиб шу пайтгача бирорта қотилликни бажаришда бевосита иштирок этмаган.

- Сен бир ўзинг шу ерда қоласан.
- Хожам, илтимос менинг ҳам боришимга изн беринг. Ўша пуштуннинг жонини олиб, юрагимдаги қасос ўтини сўндирмагунимча тинчимайман. Кейин мени ўлдирсангиз ҳам розиман.
- Қароримни ўзгартирмайман.

Ҳабиб ўрнидан турди.

- Сен учун ҳам укангнинг хунини оламан. Эртага Зоҳирнинг танаси тилка-пора бўлади!

Бухоро амирлиги

Амир Насруллохон барча вазирлар иштирокида давлат кенгаши ўтказди. Раис Раҳмонберди амирнинг фармонини ўқиди:

- Ўтган бир неча ой ичида менга содиқ икки нафар амалдор ўлдирилди. Икки бор қотиллар гуруҳи менга хужум қилди. Бундан ташқари бу қотиллар махфий йўл орқали саройга киришни уйдалади. Бу билан амир ва унинг оила аъзоларининг ҳаётига хавф солди. Бундай нохушликларни олдини ола билмаган, қотилларга етарли қаршилик кўрсата олмаган миршаббоши Робиддинни ўз лавозимидан озод қилиб, уни чекка вилоятга сургун қиламан! Саркарда Зоҳирни миршаббоши этиб тайинлайман. Раис Раҳмонберди Ниёзнинг ваколатлари кенгайтирилади!

Қосимхўжанинг дами ичига тушиб кетди. Зеро амалидан кетган Робиддинни сўроқ қилишса, уни сотиб қўйиши мумкин. Саройдан чиққан заҳоти Саидмурод билан учрашадиган махфий қароргоҳга жўнади. Раиснинг одамлари унинг изига тушди. Зоҳир эса сургунга жўнатилаётган Робиддинни қийноққа солди. Собиқ миршаббоши ҳаммасини айтиб қўйди. Қосимхўжа Саидмурод билан учрашган вақтда Зоҳир уларни қамоққа олди. Шундан сўнг Раис билан иккиси амир ҳузурига борди.

- Ҳазрати олийлари, қотилларни Хўжандлик Саидмурод исмли кимса ёллаган экан, – деди раис. У Хўжабекнинг маслахатчиси эканини ҳисобга олсак, бу ишнинг тепасида Шаҳрисабзликлар тургани аниқ.
- Зоҳирнинг режаси иш берди, – деди амир хурсанд бўлиб. – Кеча Робиддинни лавозимидан четлатишимни маслаҳат берганди. Шу орқали Султонхон тўра ҳамда шайх ул исломни кимлар ўлдиртирганини билиб олдик. Аммо қотиллар нима бўлади?
- Уларни ҳам йўқ қиламиз, – деди Зоҳир. – Саидмурод қотиллар Бухородалигини айтди. Улар Хива хони билан музокара олиб бориш учун Гардиёнга бораётганингизда сизга хужум қилишни режалаштираётган экан. Саидмуроднинг

айтишича “Ажал фаришталари” нинг барча аъзоси, хатто энг катта етакчиси ҳам бу ишга жалб қилинган.

Раис ўйланиб қолди.

- Қотиллар раҳнамоси жуда айёр деб эшитганман, – деди. – Саидмуроднинг қўлга олинганидан хабар топишса, қочиб кетишлари мумкин.
- Мен Саидмуродни қўйиб юбордим. Унга ҳеч нарса сездириб қўймасликни тайинладим. Бу кимсани йўқ қилиш муаммо эмас, аммо қотиллар бизга жуда катта хавф туғдиради. Саидмурод панд бермаслиги учун унинг икки ўғлини гаровда сақлайман.

Гардиён яқинидаги тепаликда кимнидир кутиб ўтирган Ҳабиб сабрсизлик билан йўлга қаради. Ниҳоят қора тулпорда от чоптириб келаётган жангчи кўринди. Етиб келгач, отидан тушиб Ҳабибга таъзим қилди. У эркакча кийинган, нозик бир қиз эди.

- Хуш келибсан, Хема! – жилмайди Ҳабиб.
- Яхши етиб келдингизми, ота?
- Аллоҳга шукр!

Ҳабиб қизини қаттиқ бағрига босди.

- Сени хавфга қўйганим учун кечир, қизим, – шивирлади.
- Мен хатардан қўрқмайман.

Ҳабиб хохлаб кулди.

- Отасининг қизи! – деди. – Хўш, менга қандай хуш хабар келтирдинг?
- Афсуски шум хабар келтирдим, ота.

Хема малика Шаҳрибонунинг хизматчиси эди. У амир саройидаги янгиликлардан отасини хабардор қилиб турарди. Ҳабиб қизининг ҳаётини хавф остида қолдиришни истамасди. Шунинг учун Хемага фақат айғоқчилик қилиш буюрилганди. Малика ва амирнинг суҳбатини яширинча эшитиб, Зоҳирнинг режасидан воқиф бўлган Хема отасига ҳаммасини айтиб берди.

- Ўша итнинг жанозасига бормасам отимни бошқа қўяман! – ғазаб билан ўшқирди Ҳабиб.

Кейин қизига қаради.

- Сен саройга қайт. Биз ҳам Форсга қайтиб кетамиз. Аммо кетиш олдидан Зоҳирга совға жўнатаман.

Амир Насруллоҳон Хива хони билан музокараларни тинчгина ўтказди. Зоҳир Гардиёнда қотилларни топа олмади. Амир Аркга қайтгач, безовталаниб Зоҳирни чақирди.

- Қотиллар режамиздан хабар топганга ўхшайди, – бошини эгди Зоҳир.
- Ҳаммасини ўлдираман! – ғазаб билан бақирди амир. – Саидмурод ва Қосимхўжанинг бошини танасидан жудо қилдираман!

Амир фармони билан хоинлар Саидмурод, Қосимхўжа ва Робиддин қатл этилди. Уларнинг ўлими Шаҳрисабз ва Китоб бекларининг янги исёнига сабаб бўлди. Амир Насруллохон бўйсунмас бекликларга қарши урушга тайёргарлик кўра бошлади. Хўжабек эса энди амирга қарши ошқора фитнани бошлади. Ҳабиб билан боғланиб, навбатдаги суиқасдни режалаштирди.

Амир харами яқинидаги дарахт остида ўтирган Хеманинг кўлига мовий кабутар келиб кўнди. Унинг оёғига кичкина мактуб боғланганди. Хема отасидан келган хатни ўқиди:

“Сенга Арияни юбордим, уни Зоҳирга совға қил!”

Қиз атрофга қараб, ўзи томонга келаётган Шаҳрибонуни кўрди.

- Бу ерда нима қилаяпсан? – сўради малика.
- Ўзим... шунчаки...
- Тайёргарлик кўр, бугун саройдан ташқарига чиқамиз. Хитойлик савдогарлар ғаройиб нарсаларни олиб келганини эшитдим. Бир маза қилайлик, – малика Хемага кўз қисиб қўйди.

Тушга яқин бир нечта соқчи ва хизматкори Хема билан биргаликда малика Шаҳрибону Аркдан ташқарига чиқди. Дарвоза олдида уни кўрган Зоҳир таъзим қилди. Хеманинг кўзлари чакнаб кетди. Қулай фурсат келганидан ўзича севиниб, маликага қаради.

- Шахсан миршаббоши Зоҳирнинг ўзлари сизни кузатиб борса, бежавотир бўлардик, – деди баланд овозда.

Малика иккиланиб қолди. Лекин ич-ичидан Зоҳир унга ҳамроҳ бўлишини истаётганди.

- Саркарданинг ўзлари нима дейдилар? – сўради секин.
- Жон деб сизни қўриқлаб бораман, маликам, – Зоҳир маликанинг юпқа парда остидан кўриниб турган юзига қаради.

Бухоро марказидаги “Абдуллахон” бозорида кўплаб савдогарлар турли-туман молларни мақтаб сотарди. Шаҳрибону нозик қадам ташлаб, хитойлик савдогарлар олдига борди. Улардан олтин тўғноғич, марваридли маржон, қимматбаҳо шойи сотиб олди.

- Хитой тилида яхши гапирар экансиз, маликам, – йўл бўйи “чурқ” этмаган Зоҳир тилга кирди.
- Раҳмат, – деди малика унинг мақтовидан севиниб. – Бир нечта тилни ўрганганим учун ташқи сиёсатда акамга ёрдам бераман.

– Қойил, – бош силкиди Зоҳир.

Шаҳрибону жилмайиб кўйди. Шу пайт узун бўйли, эгнига қора шойи кўйлак кийган бир кимса Хемага ишора қилди.

– Маликам, анави ерда Бобиллик савдогарлар бор экан, – деди айёрлик билан Зоҳирга кўз сузаркан.

Малика қора кийимли кимсанинг олдига борди.

– Менга Бобил шамчироғи керак, – деди.

– Афсуски шамчироғим қолмаган, хоним. Аммо шеригимда бўлиши керак.

– Шеригингиз қаерда?

– Ўрмонда.

– Қайси ўрмонда?

Эркак кўли билан шарқ томондаги йўлга ишора қилди.

– Мана бу йўлдан борсангиз бўлади. Шеригим ўрмонда лўлилар билан савдо қиляпти.

– Ташаккур.

Шаҳрибону эркак кўрсатган йўлга қараб юрди. Зоҳир унинг йўлини тўсди.

– Кеч бўлиб қолди, маликам. Аркга қайтишимиз керак.

– Бу шамчироқни узоқ йиллардан буён излайман.

– Сиз саройга бораверинг. Шамчироқни ўзим олиб бораман.

– Йўқ! – эътироз билдирди малика. – Сизнинг дидингизга ишонмайман. Ўзимга ёқадиганини танлашим керак.

Малика Зоҳирни четлаб ўтиб, ўрмонга қараб юрди. Зоҳир бош чайқаб соқчиларга қаради.

– Сизлар малика харид қилган буюмларни саройга олиб боринглар. Хазрати олияларини ўзим кузатиб бораман, – деб буйруқ берди.

Қоронғу туша бошлади. Ўрмонга етиб келишганида Хема хуштак чалди.

– Ваҳимали ўрмон экан, – деди атрофга қараб.

– Бу ерда савдогар ҳам лўлилар ҳам йўқ, – деди Зоҳир.

– Сабрсиз бўлманг, саркарда. Ҳозир уларни топамиз, – малика олдинга қараб юрди.

Хема секин катта дарахтнинг орқасига ўтди. У ерда кўзлари ёниб турган бахайбат турон йўлбарсини кўриб кўрқиб кетди. Ўзини қўлга олиб йўлбарсининг бўйнидан силади.

– Хуш келибсан, Ария, – аста шивирлади. – Анавини кўраяпсанми? – қўли билан Зоҳирни кўрсатди. – Қани, бос!

Қўлга ўргатилган йўлбарс буйруқни бажариб, ўкирганча Зоҳирга ташланди. Кутилмаган зарбадан ерга қулаган саркарда тезлик билан ханжарини чиқарди. Аммо йўлбарснинг ўткир тирноқлари елкасини чуқур кесиб юборганди. Зоҳир ҳолсизлана бошлади. Жон ҳолатда инграб тепасидаги йиртқич билан курашди. Йўлбарс унинг чап елкасига ўткир тишини қадади. Даҳшатга тушган малика тўппончасини излади. Уни саройда қолдиргани ёдига тушди. Шунда олдидаги катта тошни олиб, йўлбарсга қараб отди.

– Ҳой маҳлуқ, уни тинч қўй! – деб бақирди.

Йўлбарс ириллаб малика томонга югурди. Уларни кузатиб турган Хема кўрқувдан саросимага тушди. Чунки йўлбарс билан фақат Зоҳирни ўлдиришни режалаштирганди. Агар йиртқич Зоҳирнинг ўрнига маликани ўлдириб қўйса, ҳаммаси барбод бўлади. Қиз нима қилишини билмай у ёқ бу ёққа қаради. “Қочишим керак” деб тезда югуриб кетди.

Йиртқичнинг малика томонга кетаётганини кўрган Зоҳир бор кучини тўплаб, ўрнидан турди-да йўлбарсга ташланди. Шаҳрибону кўрққанидан орқага чекинди. Йўлбарснинг устига миниб олган Зоҳир унинг оғзига қўлини қўйиб, икки томонга торта бошлади. Саркарданинг бақувват мушаклари ўйнади. У бор кучи билан йўлбарснинг оғзини икки томонга айириб ташлади. Шаҳрибону Зоҳир унинг кўз ўнгида турон йўлбарсидек даҳшатли йиртқични ўлдирганини кўриб, хайратдан қотиб қолганди.

Зоҳир секин ўрнидан турди. Икки елкасидан яраланган, ҳамма ёғи қонга бўялганди. Малика томонга қадам ташларкан, ҳолсизланиб кўзлари хирала бошлади. Бир-икки гандираклаб, ерга йиқилди.

Саркарда кўзини очганида қандайдир хужрада ётарди. Устига ёпилган эски кўрпани четга суриб ўрнидан турди. Қандайдир ёқимли ифори сезди. Бу хид елкасига боғланган ипак матодан келаётганди. Зоҳир шам ёруғида хужранинг чеккасида тиззасига бошини қўйиб мудраб ўтирган маликани кўрди. Қўйлагининг йиртилган енгларига қараб, елкасига боғланган мато маликанинг либоси парчаси эканини тушунди.

– Маликам, – аста шивирлади.

Шаҳрибону бошини кўтарди. Унинг паранжиси йўқ, юзи очик эди. Зоҳир шошиб ерга қаради.

– Алҳамдиллаллаҳ, омон қолдингиз, – деди малика жилмайиб.

– Олдингизда қарздорман, маликам, – Зоҳир ердан кўзини узмади.

– Бир кун қайтарарсиз.

- Инша аллох.
- Йўлбарс сизни қаттиқ яралади. Хушингиздан кетганингизни кўриб, кўрқиб кетдим.
- Сизни хавотирга қўйганим учун авф этинг, маликам.
- Ҳечқиси йўқ. Йўлбарсни ўлдирганингизга ҳали ҳам ишона олмаяпман.
- Мен овчи бўлганман. Бу йўлбарс мен ўлдирган биринчи йўлбарс эмас.
- Қойилман.

Орада бироз жимлик ҳукм сурди.

- Қаердамиз? – Зоҳир атрофга қаради, бироқ маликанинг юзига қарашга ботина олмади.
- Ўрмон яқинидаги эски хонақоҳда. Сизни бу ерга судраб келиш осон бўлмади.
- Бир ўзингиз олиб келдингизми? – Зоҳир бирдан маликага қаради. Кейин яна бошини эгди.
- Саройдан ёрдам чақиргунимча, сиз халок бўлардингиз. Чунки кўп қон йўқотдингиз. Аввал кўйлагимнинг енгини йиртиб жароҳатингизни боғладим. Сўнгра бу ерга олиб келдим.
- Маликам, наҳотки сиз мени шу ергача судраб келдингиз? Мен жуда ношудман. Сизни ҳимоя қилиш ўрнига...

Зоҳир оғриқдан ингради.

- Ётиб ухланг, – Шаҳрибону жилмайиб юзига паранжисини ташлади.

Саркарда индамай ўрнига чўзилди. Икки елкасига қаттиқ оғриқ кириб, юзи буришди.

- Қаттиқ оғрияптими? – сўради малика.
- Бундай оғриқлар менга таъсир қилмайди, – сир бой бермади Зоҳир.
- Менимча таъсир қилаяпти.

Малика ўрнидан туриб, эшикка қараб юрди.

- Ҳозир келаман, – деб ташқарига чиқди.

Фурсат ўтмай Шаҳрибону кўлида гиёҳлар билан қайтиб келди. Секин қадам ташлаб Зоҳирга яқинлашди. Унинг олдида ўтириб, гиёҳлари кўли билан эзғилади.

- Турманг, – деди ўрнидан турмоқчи бўлган саркардага қараб.

Малика эҳтиёткорлик билан Зоҳирнинг елкасидаги боғични ечди. Қоп-қора из бўлган чуқур жароҳатга гиёҳ босди. Оғриқдан саркарданинг юзи буришиб, бош чайқади.

- Ҳозир оғриқлар пасаяди, – деди малика. – Бу гиёҳлар...
- Кўк нори эмасми, ишқилиб? – кулди Зоҳир.

Шаҳрибону ҳам кулиб юборди. Унинг шўх кулгусини Зоҳир биринчи марта эшитди.

- Йўқ, аммо оғриқни енгишга ёрдам беради.
- Ташаккур, маликам.

Малика Зоҳирнинг чап тўшида ёзилган арабча “Ш” ҳарфини кўрди.

- Аёлингизни қаттиқ яхши кўрармидингиз? – сўради секин.
- Жудаям. Шукрона менинг ҳаётим эди. Ҳаётимдан жудо қилишди. Фақат танам қотиллардан қасос олиш ўтида ёнмоқда. Афсуски хануз ўша қотилни топа олмадим. Сўнгги жангда халок бўлганлар орасида Шопур исмли қотил йўқ экан.

Шаҳрибону паранжисини ечиб, Зоҳирга ўйчан тикилди. Саркарда ҳарчанд кўзини олиб қочишга уринмасин, маликанинг гўзал юзига қарашдан ўзини тўхтата олмади.

- Ҳалиги... – Зоҳир юзи очиқ маликага қарашга тортиниб милтираб турган шамга тикилди.
- Нима?
- Мен илгари Афғон ва Форс маликаларини кўп кўрганман. Улар шеърият ва мусиқани яхши кўради. Аммо...
- Хўш?
- Бухоро маликалари ҳам нафосатда тенгсиз экан.

Шаҳрибону Зоҳирнинг хушомадидан ичида севинди. Лекин сир бой бермади.

- Оғриқларингиз пасайибди, шекилли? – малика ўрнидан турди.
- Авф этинг, маликам.

Малика сассиз қадам ташлаб, хужранинг чеккасига борди. Гиёҳлар таъсир қилиб, оғриқлари босилган Зоҳир кўзини юмди.

Эрта тонгда сарой соқчиларини бошлаб келган Хема ўрмонда ўлиб ётган Арияни кўриб, даҳшатга тушди.

“Бу афғоннинг жони намунча қаттиқ бўлмаса!” – ўйлади ичида.

Соқчилар узоқдан улар томонга келаётган маликани кўриб, унинг олдига югуриб борди.

- Саркарда Зоҳир қаттиқ ярадор, дарҳол унга ётдам кўрсатинглар! – буюрди малика.

Зоҳир саройга қайтгач, бир неча ҳафта даволанди. Малика Шаҳрибону ҳар куни унинг ҳолидан хабар олиб турди. Қиз жуда ҳам меҳрибон ва чиройли бўлса-да саркарда марҳума рафиқасининг ҳурмати учун маликадан ўзини тортиб юрди. Жароҳатлари битгач, хизмат вазифасига қайтди. Саройга боргач, беихтиёр малика доим уд чалиб ўтирадиган айвон олдига борди. Шаҳрибону айвонда китоб ўқиётганди. Зоҳир иккиланиб қараб турди-да, тепага кўтарилди. Малика китобга берилиб кетганидан, олдига келган Зоҳирни сезмай қолди.

– Нимани ўқияпсиз? – сўради саркарда.

Малика “дук” этиб учиб тушди.

– Астафтуруллоҳ! Ҳеч бўлмаса томоқ қириб қўйсангиз бўларди, саркарда! – юзига тўр пардани туширди.

– Чўчитиб юборганим учун, авф этинг, маликам, – Зоҳир кулимсираб таъзим қилди.

– Нодирабегим ғазалларини ўқияпман.

– Қўқон маликасими?

– Ҳа. Бу аёлга жудаям хавас қиламан. Ҳазрат Навоий Ҳиротни қандай адабий-маърифий марказга айлантирган бўлса, хон Умархон ва рафиқаси Нодирабегим ҳам Қўқонда шундай адабий муҳит яратди.

– Афсуски ҳозир Ҳиротдаги туркий маданиятни форслар бутунлай йўқ қилиб юборди. Мен кўпроқ урду ва форс тилидаги асарларни ўқийман. Лекин Афғон амирининг саройида туркий адабиётга қизиқиш кучли. Хусусан амир билан суҳбатларимиздан бирида у “Бобурнома” да шоҳ Бобур Муҳаммад Шайбонийхонни куч-қудрат рамзи сифатида эътироф этганини айтиб, ўзи ҳам акангиз амир Насруллохонни уч салтанатдаги энг кучли ҳукмдор сифатида кўришини айтганди.

Шаҳрибону юзидаги пардани кўтариб, Зоҳирга табассум қилди. Маслаҳатчиси Раҳмонберди Ниёз билан саройни айланиб юрган амир Насруллохон айвонда суҳбатлашиб ўтирган сингисини билан Зоҳирга кўзи тушди. Раис кулимсираб амирга қараб қўйди.

– Боғингиздаги гул шу қадар чиройли очилибдики, қалби вайрон бўлган афғон булбули ҳам ундан таскин излаяпти, – деди айвон томонга маъноли қараб.

– Гапинга тушунмадим?

– Ҳазратим, маликани узатиш вақти келди. Зоҳир сизга бир неча марта содиқлигини исботлади.

– Нима демоқчисан, ўзи?

– Малика Шаҳрибонунинг саркарда Зоҳирга бефарқ эмаслиги кундай равшан. Зоҳирни куёв қилсангиз, куч-қудратингиз янада ошади.

– Сен синглимни Зоҳирга никоҳлаб беришимни айтаяпсанми?

– Худди шундай, ҳазратим.

Амир мароқ билан суҳбатлашаётган айвондаги Зоҳир ва сингисига қараб ўйланиб қолди.

– Буни ўйлаб кўрамиз, – деди.

Бир неча кундан сўнг амир Насрулло волидасининг олдида борди. Муҳим давлат тадбирлари, элчиларни кутиб олиш, хорижий тилдаги мактубларни таржима қилишда доим Шаҳрибонунинг ёрдамига таянган амир сингисини яхши кўрарди. Шу сабаб бир қарорга келишдан аввал Шаҳрибонунинг кўнглини билмоқчи эди.

- Синглимдан сўрадингизми, волидам? – сўради амир.
- Шаҳрибонунинг кўзларига қараб, унинг жавобини билса бўлади.
- Демак тўйга рози экан-да?

Она кулимсираб бош силкиди.

- Унда мен қароримни Зоҳирга етказишим керак.

Амирнинг таклифидан саркарда Зоҳир шошиб қолди. Аслида аёли Шукронанинг ўлиmidан сўнг ҳеч нарсага қизиқиши қолмаганди. Шаҳрибонуни ҳар гал кўрганида кўнгли ёришиб, таскин топади. Унинг меҳри Зоҳирнинг музлаган юрагини эритиб, у маликага кўнгил қўя бошлаганди. Аммо ҳеч қачон уйланиш ҳақида ўйламаганди.

- Маликага жон деб уйланаман, аммо ҳозир тўй кўнглимга сиғмайди. Токи ўша қотилни топиб ўлдирмагунимча, ҳеч қачон юрагимдаги дард битмайди.
- Аммо, қотилни топишингиз даргумон. Балки у аллақачон ўлиб кетгандир.
- Йўқ, ҳазратим. Ўша қотил тирик. Буни кўнглим сезиб турибди. Шунини аниқ биламанки қотиллар яна Бухорога келишади.

Амир тахтига суяниб, пешонасига қўлини қўйди.

- Яхши, – деди. – Қотиллар ва Хўжабек йўқ бўлмагунча менинг ҳам кўнглим ором топмайди.

Зоҳир тез-тез юриб, маликанинг айвонига яқинлашди. Юраги нотинч, Шаҳрибонуга нима дейишни билмасди. Зеро қиз уни яхши кўришини аллақачон сезганди. Акасининг таклифини рад этганини эшитса, Шаҳрибону ундан хафа бўлади. Зоҳир буни истамайди. Шу сабаб малика тез етиб келишини сўраган бўлса ҳам унинг олдида боргиси келмади. Аммо бормаса ҳам ундан ранжиши аниқ. Зоҳир чуқур нафас олиб, айвонга кўтарилди.

- Чақиртирган экансиз, – ютунди. – Маликам мен...
- Бўлди, гапирманг, – деди малика босиқлик билан. – Ҳозир тўйдан ҳам муҳимроқ ташвишимиз бор.

Зоҳир хайрон бўлиб, унга қаради. Малика ўрнидан турди.

- Мен билан юринг, – деди.

Саркарда итоаткорона унга эргашди. Улар боғга борди.

- Саркарда, бу хоин қотилларнинг айғоқчиси экан, – малика дарахт остида тесқари қараб ниманидир ёзаётган Хемани кўрсатди.
- Лекин... қандай қилиб?
- Ўрмондаги йўлбарс хужуми ёдингиздами? У ерни айланиб юриб, Хеманинг тақинчоғини топиб олдим.

- Лекин Хема ҳам ўша ерда эди...
- Тўғри. Аммо бу тақинчоқ айнан йўлбарс чиқиб келган дарахт орқасидан топилди. Ёнимда келаётган Хема хуштак чалди. Илгари хуштак чалганини эшитмагандим. У йўлбарсни чақираётганди. Қаергадир бирдан ғойиб бўлди. Кейин йўлбарс сизга хамла қилди. Шундан кейин мен ундан шубҳаланиб қолдим. Хемани кузатиб, унинг кабутарлар орқали ким биландир хабарлашаётганини билдим. Хонасини яширинча тинтиб, нарсалари орасидан қотилларга тегишли пичоқни топдим.

Малика Зоҳирга сопига тилла суви югуртирилган ингичка пичоқни узатди.

- Унда “Хема” деб ёзилган экан, – давом этди. – Энди қотилларни қўлга тушириш имкони туғилди.
- Қандай қилиб? Хема уларни сотмаса керак.
- Менда бир режа бор.
- Қандай режа?
- Иккаламиз қочиб кетамиз.
- М-маликам... мен...

Шаҳрибону қикирлаб кулди.

- Мен Хемага сиз билан яширинча қочиб кетмоқчилигимни айтаман. Гўё акам тўйимизга рози бўлмаган-у биз қочиб кетамиз. Шунда бу жосус бу ҳақида қотилларга хабар қилади. Қотиллар сарой ташқарисидалигимиздан фойдаланиб, бизни ўлдиришга уринади. Биз эса уларга тузоқ қўямиз.
- Ажойиб режа! Маликам... сиз...
- Ҳа, мен жуда ақллиман, – Шаҳрибону яна қикирлаб кулди.

Эрон, Элбурс тоғлари, “Ажал фаришталари” қароргоҳи.

Синглисидан мактуб олган Ҳабиб Шопурни ҳузурига чақирди.

- Сен Нуристонда ўлдирган аёл билан бола Зоҳирнинг хотини ва ўғли экан! – деди.

Калбош раҳбарига қаради.

- Тасодифни қара, укангни ўлдириб қасд олди. Аммо фақат хотинининг хунини тўладинг. Ўғлининг жони учун сени ўлдиради. Пичоғинг орқали исмингни билади. Аллоҳга шукрки юзингни танимайди.
- Мен ундан кўкмайман.
- Гапиришга осон. Бу овчига хатто турон йўлбарси ҳам бас кела олмади.
- Хожам, изн беринг, ўша итнинг бошини келтираман.

- Шошилма! Хеманинг ёзишича, малика Шаҳрибону Зоҳирга турмушга чиқаётган экан. Аниқроғи иккаласи қочиб кетмоқчи экан. Улар Карманадаги Қосим шайх масжидида яширинча никоҳ ўқитмоқчи. Иккисиниям ўша ерда йўқ қиламиз.

Бухоро амирлиги

Ярим тунда бир гуруҳ соқчилар Хеманинг хонасига бостириб кирди.

- Бу ер амир харами! – ўшқирли қиз. – Бостириб киришга қандай хаддингиз сиғди!
- Душман айғоқчиси эканлигингни биламиз, – деди тўпчибоши Ҳумоюн.

Қиз сандиғининг ёнида турган қиличини қинидан суғирди. Бир сақраб, соқчиларнинг орасидан ўтиб кетди. Эшикка қараб югурганида уни тўхтатмоқчи бўлган соқчилардан бирига қилич санчди. Тўпчибоши Хемага ташланди. Қиз чап бериб, унинг кўксига тепди. Ҳумоюн гандираклаб, орқага чекинди. Хема эшикдан отилиб чиқиб, йўлакдан кўча эшик томонга югурди. Ташқарига чиққанида супада турган Зоҳирни кўриб, тўхтаб қолди.

- Таслим бўл! – деди саркарда. – Мен аёлларга қурол кўтармайман.
- Унда йўлимдан қоч! – бақирди Хема.
- Анавилар қочмайди, – Зоҳир милтиқ ўқталиб турган аскарларга ишора қилди.

Иложсиз қолган Хема қиличини ерга ташлади. Зоҳир унинг олдига борди. Қизнинг белида осилган ханжарини суғириб олди.

- Менда ҳам шундай пичоқ бор, – Саркарда ёнидан Шопурнинг пичоғини чиқарди. – Манави кимга тегишли эканини айтсанг, жонинг омон қолади.

Қиз пичоқни дарров таниди. Қошларини чимириб Зоҳирга қаради.

- Ўлдирсанг ҳам айтмайман, – деди.

Зоҳирнинг ғазаби кўзиб, қизнинг томоғидан бўғди.

- Барибир ўша қотилни топаман! Топа олмасам ҳам тез орада барчасини ўлдираман! Бу пичоқ эгаси ҳам ўшалар орасидалигига ишончим комил.
- Қўл...қўлингдан ҳ-ҳеч нарса келмайди, – хириллади Хема.

Зоҳир қизнинг бўйинини қўйиб юборди.

- Ишонмасанг, уларни кўз ўнгингда ўлдираман! – деди томоғини ушлаб йўталаётган Хемага. – Энг ачинарлиси шерикларинг сен туфайли халок бўлади.

Хема хайрон бўлиб Зоҳирга қаради.

- Сен уларга ёлғон хабар етказдинг. Тез орада қотиллар жанозаси ўқилади.

Қиз ҳаммасини тушуниб, даҳшатга тушди.

- Й-йўқ! – деди лаблари титраб. – Зоҳир, илтимос бундай қилма!
- Нега? Ахир улар оиламдан айирди. Кармана беки, шайх-ул ислом ва кўплаб бегуноҳларнинг умрига зомин бўлди. Амирнинг жонига қасд қилишга уринди. Нега кечиришим керак?
- Майли, бошқаларни кечирма, аммо отамга шафқат қил.
- Отанга? – хайрон бўлди Зоҳир.
- Ҳа. Мен қотиллар етакчиси Ҳабибнинг қизиман. Зоҳир, илтимос уни ўлдирма! Рафиқанг ва ўғлингни ким ўлдирганини айтаман, фақат отамга шафқат қил!

Зоҳирнинг кўзлари чакнаб кетди.

- Ким? – деди пишқириб. – Тезроқ айт, менинг борлигимдан жудо қилган ўша разил ким?
- Шопур!
- Буни биламан. Ўша Шопур ким?
- Юзида чандиғи бор, калбошли барваста эркак. Яқинда укаси Аракни ўлдирдинг. Малика Шаҳрибону Шопурни яралаганди.

Зоҳир қотиллар билан жанг қилган кечани эслади. Амирга ташланиб, уни ўлдиришга уринган, оқибатда малика томонидан яраланган калбош қотилни деярли унутиб юборганди.

- Демак ўша... – деди секин. – Нега олдинроқ билмадим? Бу ит шундоқ ёнимдан ўтиб кетганди. Укасининг ўлими ярамга малҳам бўла олмайди. Ниҳоят уни топдим. Тез орада қасдимни оламан!

Карманадаги Қосим шайх масжиди атрофида раис Раҳмонберди Ниёз юз нафар милтиқли сарбозни жойлаштирди. Яна эллик нафар қиличбоз масжид яқинидаги кенгликда пойлаб турарди. Бу орада амир зиндонидан қочишга муваффақ бўлган Хема Карманага шошилди.

Ҳабиб барча жангчилари билан масжидга етиб келди. Вазиятни билиш учун айғоқчиларини юборди. Улар масжид ҳовлисидаги айвонда ўтирган Зоҳир билан Шаҳрибонуни кўргач, ортига қайтиб, бу ҳақида Ҳабибга хабар берди. Қотиллар раҳнамоси жангчиларига юзланди.

- Бугун ташкилотимиз тақдири ҳал бўлади! – деди. – Ажал фаришталарининг ҳаммаси шу ерда. Аввал Зоҳирни ундан сўнг амирни йўқ қиламиз.
- Тўхтанг! – Хеманинг овози эшитилди.
- Қизим? – хайрон бўлди Ҳабиб.
- Ота, бу тузоқ! Зоҳир режамиздан хабар топди. Масжид яқинидаги кенгликда сизларни пистирма кутаяпти.

- Зоҳир! – Ҳабибнинг хайкириғи атрофга ёйилди.
- Лекин амир ҳозир саройда, – деди Хема. – Унинг ёнида Зоҳир ҳам раис ҳам йўқ. Фурсатдан фойдаланиб, амир Насруллони гумдон қилсак бўлади.
- Яхши таклиф, – маъқуллади Ҳабиб. – Шопур?
- Лаббай, хоҷам? – калбош унинг олдида пайдо бўлди.
- Қасос олишинг учун имкон туғилди. Хеманинг қамоқдан қочганини эшитган раис Бухорога қайтади. Чунки у жуда айёр одам. Амирга суиқасд қилишимизни яхши билади. Зоҳир бу ердалинингни билса, Бухорога қайтмайди. Сенга ўттизта одам бераман. Қандай бўлмасин уни ўлдир!
- Хўп бўлади, хоҷам!

Қотиллар соядек сездирмай югуриб, масжид ҳовлисига кирди. Зоҳир ва Шаҳрибону уларни кўриб, қочишга тушди. Зеро масжидда қон тўкилиши мумкин эмас. Шопур одамлари билан унинг ортидан қувди. Саркарда масжид ташқарисидаги кенгликда тўхтади. Дарахтлар орасида яшириниб турган раис уларнинг олдида борди.

- Саркарда, муаммо туғилди! Хема қамоқдан қочибди. Энди Бухорога қайтмасак бўлмайди. Чунки Ҳабиб бошчилигидаги эллик нафар қотил Бухорога кетди. Улар амиримизни ўлдирмоқчи. Қотилларни тўхтатишимиз керак.
- Сиз бораверинг, раис. Менсиз ҳам қотилларни тўхтата оласиз. Шопур шу ерда экан. Мен оиламнинг хунини олишим керак.
- Сиз амирни ҳимоя қилишингиз керак, – деди малика.
- Малика ҳақ, саркарда...
- Бу ерда баҳслашиб ўтирсак, душман ниятига етади.
- Яхши унда қиличбозларни сизга қолдираман.
- Йўқ, раис. Пилта милтиқли жангчилар билан қотилларни тўхтатиш қийин. Мен яққа ўзим Шопур ва унинг одамларига бас келаман.
- Аҳмоқлик қилманг, саркарда.
- Раис, Ҳабибнинг режасини тушунмадингизми? Шопур бизни чалғитиб турганида у Бухорога етиб бормоқчи. Шундай экан, тезроқ бу қотилни тўхтатиш керак. Мен ўзим Шопурни йўқ қиламан.

Раҳмонберди Ниёз саркарда тўғри айтаётганини тушунди.

- Ўзингизни эҳтиёт қилинг! – деди ноилож. – Жонингиз Аллоҳга омонат! Маликам, кетдик.

Шаҳрибону Зоҳирнинг кўлидан ушлади.

- Саркарда, соғ-саломат қайтиб бораман деб сўз беринг!
- Хўп, маликам. Албатта, ёнингизга қайтиб бораман.
- Сўз беринг! Пуштунлар сўз берса, албатта унинг устидан чиқади деб эшитганман. Кўнглим хотиржам бўлиши учун сўз беринг.

- Тезроқ кетинг, маликам!
- Йўқ, аввал сўз беринг!
- Сўз бераман!
- Аллоҳ мададкор бўлсин!

Зоҳир маликанинг нозик қўлларини қўйиб юборди. Шаҳрибону ва раис отга миниб, аскарлар билан Ҳабибни тўхтатиш учун жўнаб кетди.

- Алвидо, маликам, – Зоҳир уларнинг ортидан шивирлади.

Шопур ва унинг одамлари пишқириб, Зоҳирни қуршаб олди.

- Қаҳрамонлик қиламан деб ўзинга ажални раво кўрдингми? – ўшқирди калбош. – Укамнинг қасосини олиш пайти келди.

Зоҳир унга ғазаб билан тикилди.

- Сен ҳайвонни узоқ изладим. Хотиним ва норасида ўғлим сен итга нима ёмонлик қилганди? Нега уларни ўлдирдинг, хароми!
- Улар юзимни кўрди. Менинг юзимни кўрган тирик жон борки ўлимга маҳкум!
- Сен ўзинг ўлимга ҳукм қилиндинг.

Зоҳир қиличини ялонғочлаб, қотилларга ташланди. Шу қадар қаттиқ ғазабланаётгандики ҳеч бир куч уни тўхтатиб қола олмади. Саркарда ўзига яқинлашган қотилни бир зарбада тинчитди. Қотиллар бирин-кетин ерга қулади. Шопур ёппасига хужум қилишни буюрди. Зоҳир уларнинг зарбасини қайтариб, ҳаммасини қиличдан ўтказди. Одамларининг ярмидан айрилган Шопур ғазаб билан ўқириб, саркардага ташланди. Зоҳир унга чап бериб елкасига тепди. Гандираклаб қолган қотилга қилич билан зарба берди. Шопур орқаси билан йиқилди. Зоҳир қиличини баланд кўтарганида Шопурнинг одамлари унга ташланди. Улар ҳар томондан саркарданинг танасига ўткир тиғ билан зарба берди. Зоҳир уларнинг айримларини ўтказиб юборди ва ўнг оёғидан яраланиб ерга ўтириб қолди. Саркарда анча ҳолдан тойганди. Қотиллардан бири унинг орқасидан ханжар санчди. Зоҳир жон ҳолатда ўгирилиб, душманнинг қорнига қилич санчди.

Бир амаллаб ўрнидан турган Шопур уч жойидан ярадор бўлса ҳам одамларини қиличдан ўтказаётган Зоҳирга ташланди. Саркарда қиличи билан унинг зарбасини қайтарди. Шу пайт икки жангчи Зоҳирнинг қоринга қилич санчди. Танасига кучли оғриқ кириб, кўз олди қорғулашди. Шу лаҳзада рафиқаси Шукронанинг шўх кулгуси, ўғли Хусравнинг беғубор овозини эшитди. Кўз олдида Нуристон тоғи ёнбағрида сайр қилиб юрган оиласи кўринди. Хотини қўлида сават кўтариб олган, ўғли эса ёввойи гулларни териб саватга соларди. Бирдан қора либосли калбош уларнинг олдида пайдо бўлди. Кейин ўзига келиб қаршисида турган қотилни кўрди. Қони қайнаб кетган Зоҳир бор кучини тўплаб, қиличини кўтариб-да Шопурга қаттиқ зарба берди. Унинг кучли

зарбидан қотилнинг танаси иккига бўлиниб кетди. Бундай даҳшатли манзарани кўрган Шопурнинг икки одами қочишга тушди. Зоҳир пичоқ отиб иккаласини ўлдирди. Ниҳоят қотилларда ҳалос бўлган саркарда судралиб дарахт остига борди. Дарахтга суяниб, масжиднинг кўк гумбазига қараганча, мангу уйқуга кетди.

Раис Раҳмонберди Ниёз Дўрмон тепалигида қотилларга пистирма қўйди. Кетма-кет йўқдирилган ўқлардан бир нечта одами билан омон чиққан Ҳабиб ва унинг қизи Хема тириклайин асир олинди. Бухорога олиб келинганча, амир Насрулло буйруғи билан ҳар иккиси қатл этилди.

Малика Шаҳрибону Зоҳирнинг ўлимидан сўнг қаттиқ изтиробга тушди. Самарқанд ҳокимига турмушга чиқди. Малика амирлик ва Хитой ўртасидаги совдо-сотик ишларига бошчилик қилган. Аммо кўп ўтмай оғир хасталиқдан вафот этган.

Амир Насрулло Китоб ва Шаҳрисабзга юриш қилиб, бўйсунмас бекларни ўзига бўйсундирди. Хўжабек ва бошқа исёнчилар қатл этилди. Келишув сулҳи эвазига амир Шаҳрисабз ҳокими Искандар Валломанинг қизи Кенагасхонга уйланди. Амир Насрулло даврида Бухоро амирлиги ҳарбий солиҳияти юксалди. Хатто Қўқон хонлиги босиб олинди. Халқ орасида ўзининг қаттиққўллиги билан “қассоб” номини олган амир Насруллохон Қўқон хони Муҳаммад Алихон ва унинг онаси Нодирабегимга ҳам шафқат қилмади. Бу эса амирга қимматга тушди. Қўқонлик канизак унинг қулоғига симоб қуйиб, Насруллохонни ўлдиради.

Тамом.

Humo tarjima agentligi

Telegram kanal: @HumoTA